

Иқт таълим йўналиши битирувчиси Исақов Фарходбек

Мавзу: Жаҳон инқирози шароитида Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш.

МУНДАРИЖА

Кириш

1. Жаҳон инқирози шароитида мамлакатимиз рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари.
2. Фермер хўжалиги маҳсулоти рақобатбардошлигини оширишнинг зарурлиги ва моҳияти.
3. Мамлакатимиз рақобатбардошлигини оширишнинг назарий асослари.
4. Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигини табиий-иқтисодий тавсифи.
5. Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигини эришилган иқтисодий самарадорлиги ва уни тахлили
6. Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш масалалари.

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Президентимиз ўзининг 2009 йилнинг якунлари ва 2010 йилнинг устивор йўналишларига бағишланган маърузасида «Мамлакатнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни амалга оширишнинг муҳим устувор йўналишига айланиши лозим»лигини алоҳида таъкидлайди. (И. Каримов. Асосий мақсадимиз-ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ҳалқ сўзи. 29.01.2010)

Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлилиги деганда мамлакатнинг ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилияти тушунилади. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилиги бу иқтисодиётнинг тўловга қодир талабга мос келувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва ички ҳамда ташқи бозорларда сотиш қобилиятидир.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашганлиги, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асосланганлиги ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олганлиги ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ.

Мамлакатимизнинг рақобатбардошлиги охир-оқибатда маҳсулотнинг рақобатбардошлигига асосланади. Демак, тармоқларнинг, соҳаларнинг ва мамлакатнинг рақобатбардошлиги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги асосида таркиб топиб ривожланади.

Маҳсулот рақобатбардошлигини оширилиши иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширилшини тақозо этади. Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши деганда унинг турли қисм ва бўлаклари ўртасидаги мураккаб пропорциялар ва ўзаро нисбатлари тушунилади.

Мураккаб тизим сифатида иқтисодиётнинг барча элементлари орасидаги шаклланган ва ўзгариб борадиган мураккаб пропорциялар ва ўзаро нисбатлар таркибий ўзгаришларни тавсифлайди.

Миллий хўжаликнинг мақбул таркиби, алоҳида турдаги ишлаб чиқаришларнинг ривожланганлиги ва баланслашганлиги, уларнинг ўзаро муносиблиги ҳар қандай давлат ривожланишининг пировард мақсади – аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Мамлакат хўжалигининг турли бўлак ёки қисмларга қандай белгилар асосида ажратилишига кўра иқтисодиёт таркибий тузилишининг турлари ўзаро фарқланади.

Мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилиши шаклланишида унинг табиий ресурс салоҳияти, географик жойлашуви, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлик даражаси каби омиллар муҳим аҳамиятга эга

Фермер хўжалиги ривожланган аграр индустриал мамлакатларнинг кўп йиллик тажрибаларида ўзининг самарадорлиги, рақобатбардошлиги, бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини тўла намоён этди. Шунга кўра, Ўзбекистонда ҳам фермер хўжаликларининг ривожланишига катта эътибор қаратилиб, улар фаолиятининг зарур иқтисодий шарт-шароитлари яратилди, меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида фермер хўжаликларининг ташкил топиши аграр ислохотларнинг асосий мазмунини ташкил этди. Фермер хўжаликларининг ташкил этилиши босқичма-босқич ва изчиллик асосида олиб борилди.

Президентимиз И.Каримов фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор бериб қуйидагиларни таъкидлайди. «Ҳозирги вақтда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик

маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда». (И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т: Ўзбекистон. 2009 й).

Ҳар йили фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда моддий ресурс ва маблағлар ажратилмоқда. Фақат ўтган 2008 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун 1 триллион сўм, жумладан, пахта тайёрлашга – 800 миллиард сўм, ғалла етиштиришга 200 миллиард сўм маблағ аванс тариқасида берилди. 2009 йилда ушбу мақсадлар учун 1 триллион 200 миллиард сўм йўналтирилади. Қишлоқ хўжалик техникасини лизинг асосида сотиб олиш бўйича махсус ташкил этилган Фонд ҳисобидан ушбу мақсадлар учун ўтган йили 43 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, жорий йилда 58 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда.

Республикада фермер хўжаликлари ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ЯИМни 34 фоизидан кўпроғини ишлаб чиқармоқда. Уларни айниқса пахта ва ғалла етиштиришдаги тутган ўрни юқоридир. Уларнинг ҳиссаси пахта хом-ашёсида 99,1 фоизини ва ғаллада 79,2 фоизини ташкил этади. Мамлакатимизда 2009 йилда илк бор 7,3 миллион тоннадан ортиқ дон, шу жумладан, 6 миллион 600 минг тонна буғдой етиштирилди. Тайёрланган пахта хом-ашёсининг ҳажми 3,4 миллион тоннага етди.

Бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Ф-3077-сонли ва 2009 йил 12 октябрдаги «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларининг янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3287-сонли Фармойишлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Жумладан, Президентимизнинг 2008 йил 6 октябрдаги Ф-3077-сонли фармойиши доирасида кўрилган ташкилий чоралар ва амалга оширилган

тадбирлар натижасида 2008 йилнинг 1 октябрга қадар мамлакатимизда фаолият юритаётган 219976 та фермер хўжалиги ер участкалари мақбуллаштирилиб, уларнинг умумий сони 105033 тани ташкил қилди ва фермер хўжаликларига жами 5 млн 860,1 минг гектар ер майдони бириктириб берилди ёки бунда битта фермер хўжалигига ўрта ҳисобда илгариги 27,0 гектар ўрнига амалда 56,0 гектар ер майдони тўғри келмоқда. Шундан пахтачилик ва ғаллачилик йўналишига ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 47,6 мингта бўлиб, уларга 4 млн. 390,1 минг гектар ёки битта фермер хўжалигига ўртача 92,0 гектар ер майдони узоқ муддатга ижарага берилди.

Андижон вилоятида ҳам фермер хўжаликларини йириклаштириш асосида уларни барқарор ривожлантириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоятида 1.10.2009 йил ҳолатига жами 9686 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатган эди. Президентимизнинг 22.10.2009 йилдаги «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларининг янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3287-сонли Фармойиши асосида босқичма-босқич тадбирлар ўтказилмоқда.

Натижада Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган жами фермер хўжаликларининг сони 1.10.2009 йилдаги 9686 тадан 1.12.2009 йилда 7296 тага ёки 24,7 фоизга қисқарди. Тугатилган фермер хўжаликларининг сони 2390 тани ташкил этади. Ер участкаларини мақбуллаштириш жараёнида ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келадиган умумий ер майдонини ҳажми 25,9 дан 34 гектарга етди, ёки 31,3 фоизга кўпайди. Жумладан, пахта-ғалла йўналишидаги фермер хўжаликлари сони 3344 тадан 2281 тага камайиб ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келадиган умумий ер майдони 63,0 дан 92,3 гектарга етди ёки 47,9 фоизга кўпайди. Фермер хўжаликларни ер участкалари ҳажмини мақбуллаштириш жараёнини вилоятда уни ҳажми оптимал даражага етгунга қадар давом эттирилиши кўзда тутилмоқда.

Президентимизнинг юқоридаги Фармойишлари асосида босқичма-босқич амалга оширилаётган тадбирлар қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган

ислоҳатларни янада чуқурлаштириб фермер хўжаликларини барқарор ривожланиши учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Юқорида келтирилган маълумотлар биз танлаган мавзу ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига таълуқли эканлигини тўла асослайди.

БМИ мақсади ва вазифалари. БМИнинг асосий мақсади Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш бўйича фикр-мулоҳазаларни ишлаб чиқишдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун битирув ишида қуйидаги вазифалар бажарилди.

1. Жаҳон инқироzi шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ва маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг йўналишлари умумлаштирилиб асосланди.
2. Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигининг маълумотларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.
3. Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигининг истиқболдаги ривожланиши бўйича фикр-мулоҳазалар, ва таклифлар ишлаб чиқилди.

БМИнинг амалий аҳамияти. Битирув ишида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича тайёрланган фикр-мулоҳазалар ва хулосалардан Омадли лочин фермер хўжалигида ва у жойлашган ҳудуддаги бошқа хўжаликларда фойдаланиш мумкин.

БМИнинг таркиби. БМИ кириш, 6 саволдан иборат асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув иши электрон вариантда тайёрланиб уни ҳажми ____ бетни ташкил этади. Унда ____ та жадваллардан фойдаланилди.

1. Жаҳон инқироzi шароитида мамлакатимиз рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш вазифаси иқтисодий ислохотларни амалга оширишда доимо диққатимиз марказида бўлиб, иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқларимизнинг муҳим омили ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш учун унинг таркибий тузилишини муттасил такомиллаштириб бориш заруратини янада кучайтирди. Мамлакатнинг рақобатбардошлиги энг аввало унинг иқтисодиёти рақобатбардошлиги орқали ифодаланади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг таъкидлашича «Мамлакатнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни амалга оширишнинг муҳим устувор йўналишига айланиши лозим».(И. Каримов. Асосий мақсадимиз- ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ҳалқ сўзи. 29.01.2010)

Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлилиги деганда мамлакатнинг ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилияти тушунилади. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилиги бу иқтисодиётнинг тўловга қодир талабга мос келувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва ички ҳамда ташқи бозорларда сотиш қобилиятидир.

Ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлик ўзаро жиддий фарқ қилиши мумкин. Бу бозорларда ички ва ташқи муҳитни ташкил этувчи омилларнинг турлича эканлиги, яъни тўловга қодир талаб ҳажми, ички ва ташқи бозордаги нархлар ўртасидаги фарқ, олиб борилаётган ташқи савдо сиёсати ва ҳ.к.лар билан белгиланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашганлиги, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асосланганлиги ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олганлиги ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланиб мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини таркиб топиши ва такомиллашини қуйидагича тизимлаштириш мумкин. (1-чизма). Чизмадан кўриниб турибдики мамлакатимизнинг рақобатбардошлиги охир-оқибатда маҳсулотнинг рақобатбардошлигига асосланади. Демак, тармоқларнинг, соҳаларнинг ва мамлакатнинг рақобатбардошлиги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги асосида таркиб топиб ривожланади.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши деганда иқтисодиётнинг турли қисм ва бўлаклари ўртасидаги мураккаб пропорциялар ва ўзаро нисбатлари тушунилади.

Мураккаб тизим сифатида иқтисодиётнинг барча элементлари орасидаги шаклланган ва ўзгариб борадиган мураккаб пропорциялар ва ўзаро нисбатлар таркибий ўзгаришларни тавсифлайди.


Миллий хўжаликнинг мақбул таркиби, алоҳида турдаги ишлаб чиқаришларнинг ривожланганлиги ва баланслашганлиги, уларнинг ўзаро мутаносиблиги ҳар қандай давлат ривожланишининг пировард мақсади – аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Мамлакат хўжалигининг турли бўлак ёки қисмларга қандай белгилар асосида ажратилишига кўра иқтисодиёт таркибий тузилишининг турлари ўзаро фарқланади.

Мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилиши шаклланишида унинг табиий ресурс салоҳияти, географик жойлашуви, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлик даражаси каби омиллар муҳим аҳамиятга эга

МАМЛАКАТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАРКИБ ТОПИШИ ЖАРАЁНИ

1-чизма



бўлсада, уни ўзгартириш ва такомиллаштиришда давлатнинг таркибий сиёсати ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Таркибий ўзгаришлар сиёсати деганда давлат томонидан амалга ошириладиган, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида таркибий ўзгаришлар сиёсати:

- мамлакат иқтисодиётининг диверсификациялашув даражасини кўтариш, яъни ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, ЯИМ, экспорт каби кўрсаткичларда алоҳида тармоқ маҳсулоти ёки маҳсулот гуруҳининг устунлик қилишига барҳам бериш;

- ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган тармоқлар ва соҳаларнинг ЯИМ ва бандликдаги улушининг юқори бўлишини таъминлаш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, шунингдек экспорт қилувчи корхона ва тармоқларнинг хом ашё ва бутловчи қисмлар билан таъминланишида маҳаллий корхоналар улушининг устунлигига эришиш;

- юқори технологиялар ва замонавий техника билан қуролланган, арзон ва сифатли, ташқи бозорда бемалол рақобатга кириша оладиган саноат тармоқларининг саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларидаги улушини ошириш;

- конъюнктура ўзгаришларига тез мослашувчан, капитал сиғими паст бўлган соҳа ва тармоқларнинг ялпи иқтисодий кўрсаткичлардаги салмоғини оширишга эришиш йўналишларида олиб борилмоқда.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириб бориш, чуқур қайта ишланган, тайёр, қўшилган қиймат ҳиссаси юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни жадал ривожлантириш ва уларнинг ЯИМ ҳамда мамлакат экспортидаги улушини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Республикаимизда олиб борилган изчил таркибий сиёсат натижасида иқтисодиётнинг таркибий тузилишида сифат силжишлари рўй берди. Жумладан, саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМдаги улуши 2000 йилда 14 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда бу улуш 24 фоизга етди. Шу даврда хизмат кўрсатиш соҳасини ҳиссаси _____дан 49 фоизга кўтарилди. Қишлоқ хўжалигини ЯИМдаги улуши аксинча 30 фоиздан 18 фоизга пасайди.

Шунингдек, транспорт ва алоқа тармоқларининг ЯИМдаги улуши шу даврда 8 фоиздан 12 фоизгача кўтарилди. Саноат, транспорт ва алоқа тармоқларининг ЯИМдаги улуши ортиши солиқ юкининг камайтирилиши, бу тармоқларга инвестициялар устувор тарзда жалб қилиниши, йирик инвестиция лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида рўй берди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари шу йилларда муттасил юқори суръатларда ўсди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi таъсирига қарамасдан тармоқда ўсиш суръати 2008 йилда 12,7 фоизни, 2009 йилда эса 9 фоизни ташкил этди.

Таққослаш учун қайд этиш мумкинки, 2009 йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажми олдинги йилга нисбатан Қозоғистон Республикасида атиги 1,7 фоизга ўсган бўлса, Россия Федерациясида 10,8 фоизга, Украинада 21,9 фоизга қисқарди.

2009 йилда юқори ўсиш суръатлари машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (117,4%), кимё ва нефть-кимё, ёқилғи (110,3%), қурилиш материаллари (108,7%), қора металлургия (108,4%) ва озиқ-овқат (108,2%) саноатида қайд этилди.

2010 йилнинг устивор йўналишларида иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш борасида қуйидаги вазифаларни амалга оширишга алоҳида урғу берилди:

1) корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича ишларни давом эттириш;

2) мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш орқали истеъмол бозорини улар билан тўлдириш ва мутаносиблигини таъминлаш;

3) аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш, хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улушини 49 фоизга етказиш;

4) кичик бизнесни жадал ривожлантириш, соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш;

5) ташқи савдо айланмаси, шу жумладан экспортнинг товар таркибини янада диверсификация қилиш.

Президентимиз ўзининг 2009 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг якунлари ва 2010 йилнинг устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасининг 29.01.2010 йилдаги йиғилишидаги маърузасида юқоридаги вазифаларга алоҳида тўхталиб уларнинг тутган ўрнини куйидагича асослайди.

Биринчидан: корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва уларни кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, бу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш зарур. Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ишини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш лозим. Шунинг назарда тутиш керакки, кооперация алоқаларини ривожлантириш ҳозирги шароитда корхоналар ва иқтисодиёт тармоқлари фаолияти барқарорлигининг кучли омили, маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ва энг асосийси – янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини кўпайтиришнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ўтган йили ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича ҳукумат қарорлари қабул қилинди, яхлит тизим яратилди, маҳаллийлаштириш дастурларини ишлаб

чиқишга масъул бўлган идоралар – Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг фаолият йўналиши ва ваколатлари доираси аниқ белгилаб қўйилди. Бу ишни мантиқий якунига етказиш, шаклланган ёндашув ва мезонларни ҳисобга олган ҳолда амалдаги маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларни танқидий кўриб чиқиш ва бир ой муддатда 2010 йилга мўлжалланган маҳаллийлаштириш дастурини тайёрлаш зарур. 2010 йилда маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 40 фоизга ўсиши, шу борада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг улуши эса камида 12 фоизни ташкил қилиши лозим.

Иккинчидан: сўнгги йилларда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш, инфляция даражасини пасайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли равишда ошди, унинг харид қобилияти барқарор суръатда ўсиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили 2000 йилга нисбатан ўртача иш ҳақи 28,5 баробар, пенсияларнинг ўртача миқдори қарийб 18 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан пул даромадлари эса 12 баробар ошди. Жорий йилда ҳам иш ҳақини камида 30 фоизга, реал даромадларни эса 23 фоизга ошириш мўлжалланмоқда. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига кирмайдиган, узоқ фойдаланишга мўлжалланган саноат товарларини харид қилиш бўйича харажатлари сезиларли даражада ўсди. Бундай шароитда аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти билан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, бундай маҳсулотлар турини кенгайтириш, бозорларимизни улар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Вазирлар Маҳкамаси шу масалага бағишланган ўз мажлисида қабул қилинган дастурлар ижросини танқидий баҳолаши, уларни жадал амалга ошириш ва ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, импорт товарларидан сифати юқори, нархи эса арзон бўлган

махсулотлар билан тўлдириш, юртдошларимизнинг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриши лозим.

Учинчидан: аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бундай тармоқлар ташқи конъюнктурага ҳам, об-хаво шароитига ҳам боғлиқ эмас, яъни, ташқи омилларнинг ўзгариши уларга таъсир кўрсата олмайди. Айни пайтда бу хизматлар ўзимизда ишлаб чиқарилган махсулотларнинг кўплаб турларига ички талабни оширади, шунингдек, истеъмол бозорида мутаносибликни сақлашда муҳим рол ўйнайди. Буларнинг барчасини назарда тутган ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички махсулотдаги улушини 2009 йилдаги 47 фоиздан 2010 йилда 49 фоизга етказиш зарур.

Тўртинчидан: нисбатан барқарор ва бозор конъюктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласини ҳал этиш бизнинг шароитимизда ҳамон муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолмоқда. Айнан шунинг учун ҳам биз 2010 йилда барча кичик бизнес корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 7 фоизга тушириш тўғрисида қарор қабул қилдик. Ҳукумат, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини уларга кредит ажратишни сезиларли даражада кенгайтириш, уларнинг фаолиятига давлат органлари томонидан ноқонуний аралашув ва турли тўсиқлар қўйиш ҳолатларига йўл қўйилмаслик ҳисобидан қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириши шарт. Кичик бизнеснинг ялпи ички махсулотдаги улушини ўтган йилдаги 50 фоиздан 2010 йилда 52,5 фоизга етказиш вазифаси қўйилмоқда.

Бешинчидан: экспорт қилинадиган махсулотларимиз таркибини ва умуман, ташқи савдо айланмасини янада диверсификация қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хомашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ

кутулиб, тайёр рақобатдош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак. Бу борада янги бозорлар, янги транспорт йўлақларини топиш, бир сўз билан айтганда, фаол маркетингга асосланган ташқи иқтисодий сиёсат юритиш зарур. Биз 2010 йилда экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш масалалари билан жиддий шуғулланишимиз керак. Шу муносабат билан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ҳар бир тармоқ бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган тайёр маҳсулотни янги ташқи бозорларга чиқариш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилади. Бу дастурларда барча зарур чораларни, жумладан, маркетинг, молия ва ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалаларини назарда тутиш даркор.

Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат. 2010 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ капитал қўйилмалар ўтган йилга нисбатан 22,1 фоизга ортиб, ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизини ташкил қилади. Бунда биргина ишлаб чиқариш соҳасига мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун барча капитал қўйилмаларнинг 75 фоиздан зиёди йўналтирилади.

2010 йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 миллиард АҚШ долларидаан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўп хорижий инвестициялар жалб қилинишини эътиборга оладиган бўлсак, ўйлайманки, амалга ошириладиган лойиҳаларнинг кўлами ва салмоғи ўз-ўзидан аён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 46 фоизга ошади.

Бундай йирик лойиҳаларни, биринчи навбатда, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун ички ресурсларни жалб қилишда мамлакатимизда 2007 йили ташкил этилган Тикланиш ва тараққиёт фонди жуда катта ҳисса қўшди. Бугунги кунда бу фонднинг жамғармаси 3,7 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Бу вазифалар комплекс тавсифга эга бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган оптимал таркибини шакллантириш мақсадига хизмат қилади.

Маълумки, меҳнат тақсимоти ва унга боғлиқ равишда маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашиш меҳнат унумдорлигини ўстириш, тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш учун имконият яратади. Айни пайтда, у ёки бу маҳсулот турига ихтисослашиш ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун хом ашё, бутловчи қисмларни бошқа ихтисослашган корхоналардан сотиб олиш эҳтиёжини келтириб чиқаради. Шу тариқа корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини ўрнатишга зарурат юзага келади.

Бугунги кунда кооперация алоқаларининг хом ашё етказиб беришдан иборат оддий кўринишидан тортиб то франчайзинг тизимини қўллаш каби мураккаб турларигача мавжуд.

Кооперация алоқалари деганда маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича бир ёки бир неча корхонанинг ҳамкорлиги тушунилади.

Корхоналарнинг бозорларда қайси маҳсулот ёки хом ашёга эҳтиёж борлигини билишлари, уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари учун зарур бўлган материаллар ва хом ашёни қайси корхоналардан олишлари мумкинлиги тўғрисида ахборотга эга бўлишлари уларнинг ривожланиши, умуман мамлакат иқтисодиётининг юксалишида муҳим омил ҳисобланади.

Бундай ахборотларнинг етарли эмаслиги ва уларни олишдаги қийинчиликлар мавжудлиги сабабли мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган

ёки ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлган хом ашё, бутловчи қисмлар, материаллар ёки тайёр маҳсулотларни валюта эвазига, кўпинча қиммат нархларда хориждан олиб келиш ҳоллари мавжуд. Бунга барҳам бериш мақсадида мамлакатимизда тармоқ, тармоқ ичидаги ва халқаро саноат кооперациясини ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб келинмоқда.

Мамлакатимиз корхоналарининг кооперацион алоқаларини кенгайтириш бир неча вазифаларни ҳал этиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 ноябрдаги «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чоратadbирлари тўғрисида» 3937-сонли Фармонида кўра ташкил этилган Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси қуйидаги вазифаларни бажаради:

- тармоқ ичидаги ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш;
- маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларни мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ишлаб чиқарилаётган, импорт қилинаётган ва ўзлаштирилиши истиқболли бўлган товарлар билан таништириш;
- ишлаб чиқарувчиларга шерикларни излаб топишда ҳамда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни етказиб бериш юзасидан хўжалик шартномалари тузишларида кўмаклашиш;
- мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни, шу жумладан, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларни хорижий фойдаланувчилар учун қулай бўлган ахборот ресурслари орқали кенг реклама қилиш.

Корхоналар ўртасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ўзаро чамбарчас боғланган жараёнлардир. Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро саноат кооперациясининг кенгайиши тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш учун шарт-шароит яратади.

Маҳаллийлаштириш деганда импорт қилинадиган тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материалларни мамлакатда ишлаб чиқаришни йўлга

кўйиш орқали унга бўлган ички талабни қондириш ва экспортини йўлга қўйишни тушунамиз.

2010 йилда иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг прогноз параметрларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, таркибий тузилишини такомиллаштириш каби ўзаро боғланган вазифаларни ҳал этишда маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирда янги лойиҳаларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш, ўзини оқламаган, истикболсиз лойиҳаларни дастурдан чиқариш, лойиҳалар параметрларига ўзгартиришлар киритиш механизмлари такомиллаштириб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 декабрдаги 1236-сонли Қарори билан Маҳаллийлаштириш дастурини тузиш тартиби такомиллаштирилди, бу жараёнда давлат бошқарув органлари ва лойиҳалар ташаббускорларининг асосий функциялари ва ваколатлари аниқ белгилаб берилди, дастурга киритилган лойиҳалар мониторингини олиб бориш тартиби жорий этилди.

Бугунги кунга келиб, нафақат кишилар ҳаётининг маиший жиҳатлари, балки саноат тармоқларининг ривожланиши, мил-лий иқтисодиётнинг самарадорлиги олдиндан мавжуд бўлган ҳамда янгидан пайдо бўлаётган ўнлаб турдаги хизматларга боғлиқ бўлиб бормоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётдаги роли ва аҳамиятини қуйидаги расм орқали ифодалаш мумкин.

Жамиятнинг ижтимоий ривожланиши, моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши ва мураккаблашиб бориши, фан-техника тараққиёти омили ролининг ошиб бориши номоддий неъматларга бўлган талабнинг кўпайишига олиб келди.

Хизматлар соҳаси жадал ривожланиб борар экан, тобора кўпроқ ишчи кучининг банд бўлишини таъминламоқда, давлат бюджетига солиқ тушумлари, валюта захирасига қатъий валюта тушумларининг кўпайишига ҳисса қўшмоқда. Айниқса аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини

ривожлантириш ички истеъмол бозорида мутаносибликка эришишда, иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти бўлган ички талабни кенгайтиришда, аҳолини иш билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Автомобиллар ва маиший техникага сервис ва таъмирлаш хизматини кўрсатувчи корхоналарнинг ташкил қилиниши ҳамда ривожланиши шу маҳсулотларга бўлган талабнинг кенгайишига олиб келади.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги 640-сонли «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Давлат дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси барқарор юқори суръатларда ривожланиб бормокда.

Масалан, республикамиз бўйича ўртача ҳар 100 минг кишига деярли 40 та йирик маиший хизмат корхонаси тўғри келса, бу кўрсаткич шаҳар жойларида 64 тани, қишлоқ жойларида эса 26 тани ташкил этади. 2008 йил натижаларига кўра қишлоқ аҳолисига кўрсатилган хизматлар ҳажми жами аҳолига кўрсатилган хизматларнинг бор-йўғи 26,8 фоизини ташкил этган.

Шу сабабли ҳам яқин истиқболда қишлоқ жойларида хизматлар соҳаси устувор ривожлантириш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ЯИМдаги улушини 49 фоизга етказиш, соҳада банд ходимлар сонини 2010 йил охиригача 2006 йилга нисбатан 2 мартага ошириш вазифаси янги хизмат турларини кўрсатиш бўйича фаолиятни қўллаб-қувватлаш, соҳада кичик бизнесни янада ривожлантириш, ахборот-телекоммуникация хизматлари, транспорт, молия, туризм хизматларини устувор ривожлантириш орқали таъминланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёсلىгини кўрсатади. Шу сабабли ҳам кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Кичик бизнесни ривожлантириш борасида амалга оширилган чоратадбирларнинг натижаси қуйидагилар орқали намоён бўлади:

- кичик бизнеснинг мамлакатимиз ЯИМдаги улуши 2009 йилда 50,1 фоизга етганлиги;
- иш билан банд ходимлар пул даромадларининг 70 фоизи айнан кичик бизнес соҳасида шаклланаётганлиги;
- кичик бизнес корхоналарининг мамлакат экспортидаги улуши 2009 йилда 14,3 фоизга етганлиги ва ҳ.к.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни кредитлаш ҳажмининг ошиши соҳани ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. 2009 йилда саноат соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 8 фоиздан 7 фоизга туширилиши натижасида 23,6 млрд. сўм миқдоридаги маблағ мазкур корхоналар ихтиёрида қолдирилди.

Шу йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1 трлн. 850 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Бу 2001 йилгига нисбатан қарийиб 11 марта, 2005 йилдагига нисбатан 4 марта кўп.

Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг 462 млрд. сўми «Микрокредитбанк» ҳиссасига тўғри келди. Соҳа ривожига учун шу йили Осиё тараққиёт банки, Ислонд тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (КфВ), ХХР Ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар маблағлари ҳисобидан жами 121,8 млн. долл. ёки 2008 йилга нисбатан 1,5 баробарга ортиқ кредит ресурслари жалб қилинди.

2010 йилда кичик бизнесни жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш борасида чора тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Масалан, 2009 йилда саноат соҳасида фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари учун ягона солиқ ставкаси 7 фоизга туширилган бўлса, 2010 йилдан эътиборан 7 фоизли солиқ ставкаси барча кичик бизнес корхоналари учун жорий этилди.

Қайси тармоқда фаолият юритишларига боғлиқ равишда кичик бизнес субъектлари қуйидаги солиқ имтиёзларидан фойдаланишлари мумкин:

- 2014 йил 1 январгача янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари солиқларнинг барча турларидан ва айрим мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган;

- 2012 йилнинг 1 январигача гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайтирилди ва уларнинг четдан олиб келинадиган технология ускуналари божхона тўловларидан озод қилинган;

- 2012 йил 1 январгача 15 хилдаги ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан, шунингдек, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ускуналарини импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинган.

Кичик бизнесни ривожлантириш борасида яратилган қулай шарт-шароитлар соҳанинг иқтисодий ривожланишдаги, аҳолини иш билан бандлилиги ва даромадларининг ўсишидаги роли янада кучайиши ҳамда

ЯИМ, экспорт ва тармоқлар ҳамда соҳаларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларидаги улуши ортиб боришига хизмат қилади.

Жаҳон бозорларида корхоналаримиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади:

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кўмаклашиш;
- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириш;
- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш;
- янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш ва ҳ.к.

Бу борада ҳар бир тармоқ учун ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган 2010-2012 йилга мўлжалланган тайёр маҳсулотни янги ташқи бозорларга чиқариш бўйича махсус дастурларда экспорт ҳажмини ошириш, экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш, экспортчи корхоналарни маркетинг, молия ва ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалалари ўз аксини топади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман ташқи савдо айланмасини дивесификация қилиш иқтисодиётимиз таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтариш мақсадларига хизмат қилади.

2. Фермер хўжалиги маҳсулоти рақобатбардошлигини оширишнинг зарурлиги ва моҳияти.

Президентимизнинг 28.12.2008 йилдаги ПФ-4058 сонли фармонининг биринчи банди билан қабул қилинган инқирозга қарши чоралар Дастурида Ўзбекистон иқтисодиёти жумладан, уни таркибий қисми ҳисобланган қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгиланган. Дастурда корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг тўрт асосий йўналиши белгиланган бўлиб улар ўз мазмуни ва моҳиятига кўра тўлалигича маҳсулот рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. Сабаби маҳсулот рақобатбардошлигини оширилиши жаҳон инқироzi шароитида иқтисодиётни барқарорлигини таъминлаш ва уни самарадорлигини оширишнинг хал қилувчи омилига айланди.

Фермер хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини кескин оширмасдан туриб уларни барқарор ривожланишини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтариш масалаларини ижобий хал этиш мумкин эмас. Президентимиз ушбу масалага тўхталиб қуйидагиларни таъкидлайди «...ўтган давр мобайнида ортирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни хал қилишни қабтий талаб этмоқда.» (И.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Т. Ўзбекистон – 2009 йил 23 бет.)

Рақобатбардошлик даражаси маҳсулотни таннархи ва сифати асосида аниқланади.

Маҳсулот таннархи фермер хўжалиги самарадорлигини аниқлашда қўлланиладиган энг асосий иқтисодий категориялардан бири бўлиб, у ўзида фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражасини

акс эттиради. Махсулот рақобатбардошлигини оширилиши фермер хўжалигида фойдани кўпайтириш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни молиявий жихатдан таъминлаш, моддий манфаатдорликни ошириш асосида иқтисодий самарадорликни кескин кўтариш имкониятини беради.

Рақобатбардошлик даражаси махсулотни таннархи ва сифати асосида аниқланади.

Махсулот таннархи фермер хўжалиги самарадорлигини аниқлашда кўлланиладиган энг асосий иқтисодий категориялардан бири бўлиб, у ўзида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражасини акс эттиради.


Махсулот рақобатбардошлигини оширилиши фермер хўжалигида фойдани кўпайтириш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни молиявий жихатдан таъминлаш, моддий манфаатдорликни ошириш асосида иқтисодий самарадорликни кескин кўтариш имкониятини беради.

Махсулот сифати эса уни турига қараб ташқи кўриниши, қулайлиги, ихчамлиги, фойдалиниш муддати, нави, софлиги, тозаллиги каби бир қатор хусусиятилари билан белгиланади. Тарихда сифат атамасига турлича таърифлар берилган. Жумладан, эрампиздан олдинги III- асрда Аристотель сифат атамасини предметлар ўртасидаги фарқлар ва уларни «яхши-ёмон» белгилари билан ажратиш деб таърифлаган бўлса, қадимги хитойликлар сифат «юқори навли», «қимматли» деган маънони англатишини таъкидлашган. XIX асрда яшаб ўтган машҳур файласуф Гегелнинг изоҳлашига кўра сифат ўзининг мавжудлиги билан баҳоланади ва нарсасифатини йўқотиши билан ўзлигини ҳам йўқотади. Хулоса қилиб айтилганда сифат унда мужассамланган хоссалар мужмуаси бўлиб аниқ бир эҳтиёжни қондиришга яроқлилигини билдиради. Сифат атамаси иқтисодий жихатдан махсулот ва хизматларни хосса ва таснифлари тўплами бўлиб маълум бир эҳтиёжларни қондириш қобилиятини билдиради.

Махсулот рақобатбардошлигини таркиб топиши жараёнига бевосита таъсир кўрсатувчи омилларни қуйидагича тизимлаштириш мумкин.(2-чизма)

МАМЛАКАТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИНГ ТАРКИБ ТОПИШ ЖАРАЁНИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

2-чизма



Чизмада маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг икки асосий омили яъни маҳсулот таннархи ва сифатини таркиб топиши жараёни ҳамда уларнинг таркиби акс эттирилган. Чизмадан кўриниб турибдики маҳсулот таннархи ва уни сифати жуда мураккаб ва кўп қиррали категориялар ҳисобланиб улар ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларига таъллуқлидир. Техник-технологик йўналишга таъллуқли бўлган омиллар жумласига фермер хўжалигини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни жорий этиш, ер участкаларини оптималлаштириш, кадрларни касбий тайёргарлигини ошириш билан боғлиқ бўлган тадбирларни киритиш мумкин.

Техник-технологик омиллар асосида фермер хўжалигининг технологик мустақиллиги таркиб топади. Технологик мустақиллик деганда корхонанинг маҳсулот етиштириш технологияси бўйича кўзда тутилган барча агротехник чора-тадбирларни мустақил равишда сифатли қилиб ўз вақтида ўткази олиши имконияти тушунилади. Бу фермер хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамланишини, мавжуд техника ва қишлоқ хўжалиги машиналаридан унумли фойдаланилишини, ишлаб чиқариш жараёнида янги технологияларни самарали қўллаш бўйича етарлича билимларга ва ишлаб чиқариш кўникмаларига эга бўлган мутахассис кадрлар билан таъминланишини тақозо этади.

Вилоятимизда фермер хўжаликларнинг техник-технологик мустақиллигини таъминлаш, уларни экин майдонлари оптимал даражага етказиш бўйича ишлар махсус тасдиқланган истиқболли дастурлар асосида амалга оширилмоқда. Фермер хўжалиги оилавий хўжалик юритиш шакли ҳисобланиб истиқболда агротехник чора-тадбирларни асосий қисмини (камида 80-85 фоизини) ўз кучи билан амалга ошириш учун зарур бўлган техника воситалари билан тўла таъминлаган бўлиши керак.

Юқоридаги масалаларни ижобий ҳал этилиши фермер хўжаликларига ишлаб чиқаришда янги технологияларни самарали қўллаш асосида етиштирилаётган маҳсулотлари таннархини пасайтириш ва уни сифатини яхшилаш имкониятини беради. Бу эса ўз навбатида уларга маҳсулот рақобатбардошлигини ошириб иқтисодий самарадорликни талаб даражасига кўтариш учун зарур бўлган молиявий маблағларга эга бўлиш учун мустаҳкам замин яратади. Фермер хўжалигида иқтисодий омиллардан самарали фойдаланиш уни

иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва мустахкамлаш имкониятини яратади. Фермер хўжалигининг иқтисодий мустақиллиги уни етиштирган маҳсулотларини сотишдан тушган пул даромадлари ҳисобидан ўзининг барча харажатларни тўла қопланиши ва олинган фойда асосида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни белгиланган суръатларда амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағларга эга бўлишидир.

Фермер хўжалигининг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган иқтисодий омиллар нафақат маҳсулот рақобатбардошлигини оширишга таъсир кўрсатади балки уни молиявий соҳада рўёбга чиқишини ҳам таъминлайди. Сабаби рақобатбардошли маҳсулотни сотилиши, фойдани ҳосил қилиниши, уни қайтадан ишлаб чиқариш ресурсларига айланиши ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ташкил этилиши ва бошқарилиши иқтисодий омиллар асосида амалга оширилади.

Инқирозга қарши чоралар дастурини изчил амалга оширилиши асосида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланиши таъминланмоқда. 2009 йилда юзага келган мураккаб табиий-иқтисодий шароитга қарамай қишлоқ хўжалигида ялпи ички маҳсулотни ўсиши 5,7 фоизни ташкил этди. Мамлакатимизда илк бор 7,3 млн.тоннадан ортиқ дон, шу жумладан 6,6 млн. тонна буғдой етиштирилди. Тайёрланган пахта хом-ашёсини умумий ҳажми 3,4 млн.тоннани ташкил этди.

Хулоса қилиб айтилганда маҳсулот рақобатбардошлигини оширилиши уни мос ҳолдаги фойда билан юқори нархларда сотилиши учун мустахкам замин тайёрлайди. Маҳсулот рақобатбардошлиги кўп қиррали мураккаб иқтисодий категория ҳисобланиб уни таркиб топиш ва оширилиши бир қатор омиллар асосида юз беради. Унга таъсир кўрсатадиган омилларни ўз моҳиятларига кўра техник-технологик ва иқтисодий йўналишдаги иккита алоҳида гуруҳларга ажратиш мумкин. Техник-технологик йўналишга таълуқли бўлган омиллар жумласига фермер хўжалигини моддий-техника базасини мустахкамлаш, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни жорий этиш, ер участкаларини оптималлаштириш, кадрларни касбий тайёргарлигини ошириш билан боғлиқ бўлган тадбирларни киритиш мумкин.

Техник-технологик омиллар асосида фермер хўжалигининг технологик мустақиллиги таркиб топади. Технологик мустақиллик деганда корхонанинг

махсулот етиштириш технологияси бўйича кўзда тутилган барча агротехник чора-тадбирларни мустақил равишда сифатли қилиб ўз вақтида ўткази олиши имконияти тушунилади. Бу фермер хўжалигининг моддий-техника базасини мустахкамланишини, мавжуд техника ва қишлоқ хўжалиги машиналаридан унумли фойдаланилишини, ишлаб чиқариш жараёнида янги технологияларни самарали қўллаш бўйича етарлича билимларга ва ишлаб чиқариш кўникмаларига эга бўлган мутахассис кадрлар билан таъминланишини тақозо этади.

Ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики пахта-ғалла йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларини аксарияти агротехник чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли қилиб ўтказиш учун зарур бўлган техника воситалари ва кадрлар билан тўла таъминланмаган бўлиб, технологик харита бўйича механизациялаштирилган ишларнинг барчаси муқобил ҳудудий ва марказий туман МТП ларнинг ёрдамида бажарилмоқда. Бу фермер хўжаликларида бирламчи қишлоқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқариш харажатларини асоссиз ортиб кетишига ва мос ҳолда самарадорлигини пасайишга олиб келмоқда.

Тўпланган тажрибалар шуни кўрсатадики пахта-ғалла йўналишидаги фермер хўжаликлари ҳеч бўлмаганда чопиқ техникаси, яъни ТТЗ, МТЗ ва бошқа русумдаги чопиқ техника воситаларига эга бўлмасдан технологик мустақилликка эришишлари мумкин эмас. Амалдаги меъёрларга асосан ТТЗ ва МТЗ русумдаги 1 та чопиқ тракторининг қуввати суғориш картасининг ҳолатига қараб камида 50 гектар пахта майдонига ишлов беришга етади. Агар чопиқ тракторига белгиланган меъёр ошиб кетса фермер хўжалигида пахта етиштириш бўйича технологик харитада белгиланган агротехник чора-тадбирларни ўз вақтида ва самарали ўтказиш имконияти яратилмайди. Аксинча меъёрдан кескин озайиб кетса махсулот бирлигига тўғри келадиган техника харажатлари асоссиз кўтарилиб пахта таннархини ошишига олиб келади. Натижада ҳар иккала ҳолатда ҳам пахтачилик тармоғидан олинадиган даромадлар қисқариб фермер хўжалигининг якуловчи асосий иқтисодий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражаси кескин пасаяди.

Ушбу масалани ўрганиш мақсадида биз Избоскан туманида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларини техника билан таъминланиши масаласини таҳлил этдик. Избоскан туманида 2008 йил бошида фаолият кўрсатаётган пахта-ғалла йўналишидаги 392 та фермер хўжаликларида жами

бор 51 дона ТТЗ ва МТЗ русумли чопиқ техникаси мавжуд бўлиб ўртача бир фермер хўжалигига бор йўғи 0,13 та чопиқ техникаси тўғри келади. Агар тумандаги 5 та илғор фермер хўжаликларида 2-3 тадан чопиқ техникаларини мавжудлигини ҳисобга олсак қолган фермер хўжаликларни ушбу русумдаги техника билан таъминланиши қай даражада эканлигини тушуниш қийин эмас. Яъни туманда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг аксарият қисми умуман техникага эга эмас, уларнинг пахта экин майдонларининг ҳажми 40 гектарга ҳам етмайди.

2008 йил бошида Андижон вилоятида пахта-ғалла йўналиши бўйича 6389 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб уларни узок муддатга ижарага берилган экин майдони 188,6 минг гектарни ташкил этади. Шундан 113,2 гектарини пахта ва қолган 75,4 гектарини ғалла экин майдонлари ташкил қилади. Агар бир чопиқ тракторига тўғри келадиган меъёр ҳисобга олинса Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларини чопиқ тракторларига бўлган талаби $(113,2:50)$ камида 2264 тани ташкил этади. Пахта-ғалла йўналишидаги фермер хўжалигининг пахта экин майдони 50 гектарни ташкил этиши учун уни умумий экин майдони камида 80-90 гектар бўлиши керак. Шунини ҳисобга олиб вилоятда фермер хўжаликларини йириклаштириш жараёни амалга оширилди. Натижада пахта-ғалла йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг сони 6564 тадан 4066 тагача қисқариб уларни ўртача экин майдони 31,2 дан 50,4 гектарга кўпайтирилди. Вилоятда фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг истиқболли дастурида бу соҳадаги ишларни уларнинг экин майдонлари оптимал даражага етказилгунга қадар давом эттириш кўзда тутилган.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича вилоятда тузилган истиқболли дастурларда фермер хўжаликларини техника ва қишлоқ хўжалик машиналарини билан таъминлашни кескин яхшилаш асосида агротехник чора-тадбирларни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида янги технологиялардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу масалаларни ҳал этилишида юқоридаги ҳолатлар ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Хулоса қилиб айтилганда фермер хўжаликларини моддий-техника базаларини мустаҳкамлаш асосида уларни техник-технологик мустақилликларини тўла таъминлаш чора-тадбирларини кўриш лозим. Фермер хўжалиги оилавий хўжалик юритиш шакли ҳисобланиб истиқболда агротехник чора-

тадбирларни асосий қисмини (камида 80-85 фоизини) ўз кучи билан амалга ошириш учун зарур бўлган техника воситалари билан тўла таъминлаган бўлиши керак. Фермер хўжаликларини ташқи химояланиш чоратадбирларидан самарали фойдаланишларини йўлга қўйиш лозим. Бу соҳада хорижий давлатларда бўлгани сингари кооперативлар имкониятидан кенг фойдаланиш яхши натижа бериши мумкин. Фермер хўжаликлари бошлиқларини ва аъзоларини ҳуқуқий, иқтисодий, техник ва технологик соҳалардаги билимларини ва тажрибаларини ва кўникмаларини мустахкамлаш керак.

Юқоридаги масалаларни ижобий ҳал этилиши фермер хўжаликларига ишлаб чиқаришда янги технологияларни самарали қўллаш асосида етиштирилаётган махсулотлари таннархини пасайтириш ва уни сифатини яхшилаш имкониятини беради. Бу эса ўз навбатида уларга махсулот рақобатбардошлигини ошириб иқтисодий самарадорликни талаб даражасига кўтариш учун зарур бўлган молиявий маблағларга эга бўлиш учун мустахкам замин яратади. Фермер хўжалигида иқтисодий омиллардан самарали фойдаланиш уни иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва мустахкамлаш имкониятини яратади. Фермер хўжалигининг иқтисодий мустақиллиги-уни етиштириган махсулотларини сотишдан тушган пул даромадлари ҳисобидан ўзининг барча харажатларни тўла қопланиши ва олинган фойда асосида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни белгиланган суръатларда амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағларга эга бўлишидир. Фермер хўжалигининг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган иқтисодий омиллар нафақат махсулот рақобатбардошлигини оширишга таъсир кўрсатади балки уни молиявий соҳада рўёбга чиқишини ҳам таъминлайди. Сабаби рақобатбардошли махсулотни сотилиши, фойдани ҳосил қилиниши, уни қайтадан ишлаб чиқариш ресурсларига айланиши ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ташкил этилиши ва бошқарилиши иқтисодий омиллар асосида амалга оширилади.

Республикада фермер хўжаликларни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий мустақиллигини босқичма-босқич мустахкамлаш бўйича бозор талабларига тўла жавоб берадиган иқтисодий тизимни шакллантирилиши ва самарали фаолият кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга

бўлди. Натижада фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга асосланган энг самарали хўжалик юритиш шаклига айланди. Бу қишлоқда ўрта мулкдорлар қатламини таркиб топиши ва мустахкамланишини таъминлаб аграр соҳада бозор муносабатларини ривожланиши учун мустахкам замин тайёрламоқда. Сабаби мулкчилик муносабатлари ҳар қандай тузилма асосини ташкил этиб бу масалани ижобий ҳал қилмасдан туриб кўзланган мақсадга эришиш мумкин эмас.

2008 йилда давлат буюртмаси ўрнатилган энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун жами 1 триллион сўм ажратилди. Жумладан, пахта хом-ашёсини тайёрлашга 800 млрд сўм, ғалла етиштиришга 200 млрд сўм маблағ аванс тариқасида берилди. Ушбу мақсадлар учун 2009 йилда 1 триллион 200 млрд сўм йўналтирилиши режалаштирилди. Фермер хўжаликларини давлат томонидан мунтазам қўллаб-қувватланиши ва амалий ёрдам берилиши туфайли уларни пахта хом-ашёсини тайёрлаш ва ғалла етиштиришдаги хиссаси кескин ортиб бормоқда. 2008 йилда уларни улуши пахта хом-ашёсини тайёрлашда 99,1 фоизни, ғалла етиштиришда эса 79,2 фоизни ташкил этади.

3. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг назарий асослари.

Мамлакатимиз рақобатбардошлиги ва уни оширишнинг асосий йўналишлари Президентимиз томонидан ҳар томонлама тўла асослаб берилган. Президентимизнинг таъкидлашича «Мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни амалга оширишнинг муҳим устувор йўналишига айланиши лозим». (Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ҳалқ сўзи. 29.01.2010 й.)

Президентимиз 2010 йилнинг устивор йўналишларини белгилашда мамлакатимиз рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилларига алоҳида эътибор беради. «Бизнинг бугунги асосий вазифамиз жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози чуқур тус олган бир шароитда ўтган 2009 йил яқунларини танқидий баҳолаш ва шу асосда 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олишдан иборатдир. (Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир». Ҳалқ сўзи. 29.01.2010 й.)

«Инқироздан чиқиш ва инқироздан кейин иқтисодиётни соғломлаштириш жараёни узоқ давомли ва ўта мураккаб бўлиши мумкин. 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси – бу ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборатдир». (Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ҳалқ сўзи. 29.01.2010 й.)

Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимиз иқтисодиётни барқарор ривожлантириш асосида уни рақобатбардошлигини ошириш масаласига тўхталиб қуйидагиларни таъкидлайди. «Иқтисодиётимиз яқин йиллар ичида янада барқарор, ўзига бақувват, жаҳон ва минтақавий бозорларда рақобатдош бўлмоғи учун иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ҳали кўп иш қилиш лозимлигини ҳам биз ўзимизга яхши тасаввур этамиз». (Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ҳалқ сўзи. 29.01.2010 й.)

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг «Ўзбекистон йўли» Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларида илмий-назарий жихатдан асослаб берилган. Улар жумласига Президентимизнинг қуйидаги асарларни киритиш мумкин. «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар», «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари», «Иқтисодий ислохот: маъсулиятли босқич», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», «Ўзбекитон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда», «Ўзбекистон буюк келажак сари», «Ўз келажакимизги ўз қўлимиз билан қурамыз», «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари».

Қишлоқ хўжалигини иқтисодий жихатдан ривожлантириш, уни барқарорлигини таъминлаш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш масалалари Ўзбекистонда А.А.Абдуғаниев, Ф.К. Қаюмов, Ч.Муродов, С.Н.Усмонов, Р.Х.Хусанов, А.С. Цомутали, К.А.Чориев, А.М.Жўраев, В.В.Ким, Ч.Муродов, Қ.Х.Хасанжонов, А.А.Шокиров ва бошқа иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилиб таҳлил этилган.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг экстенсив ва интенсив усуллариининг моҳияти, зарурлиги, омиллари ва самарадорлиги масалалари

А.Исмоилов, О.Муртазаевлар томонидан ўрганилиб асосланган (Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. Дарслик Самарқанд-2005 йил)

Фермер хўжаликларининг техник-технологик мустақиллигини таъминлашнинг зарурлиги ва йўллари. А.А.Абдуллаев, О.А.Шерматов, Г.Шодмоноваларнинг илмий мақолаларида ёритилган. Уларнинг таъкидлашларича «Фермер хўжалиги оилавий хўжалик юритиш шакли ҳисобланиб истиқболда агротехник чора-тадбирларни асосий қисмини (камида 80-85 фоизини) ўз кучи билан амалга ошириш учун зарур бўлган техника воситалари билан тўла таъминланган бўлиши керак» (Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган пахта-ғалла йўналишидаги фермер хўжаликларини техник-технологик мустақиллигини таъминлаш. Республика илмий-амалий анжуманининг мақолалар тўплами. АҚХИ. Андижон 2008 й. 269-272 бетлар).

Фермер хўжаликларини самарали фаолият кўрсатишларида бозор инфратузилмаси тизимининг тутган ўрни ва аҳамиятига У.Қ.Сотволдиев, Қ.С.Эгамбердиевалар алоҳида эътибор беришиб бу соҳадаги камчиликларни кўйидагича ифодалашган. «... фермер хўжалигинининг самарали фаолият учун зарур бўлган инфратузилма объектлари жуда паст даражада ривожланган» (Фермер хўжаликлари инфратузилмасини ривожлантиришда давлатнинг ўрни. Республика илмий-амалий анжуманининг мақолалар тўплами. АҚХИ. Андижон 2008 й. 312 бет).

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни ташкил этиш ва ўтказишда хорижий тажрибалардан ўзимизнинг ички шароитларимизни ҳамда имкониятларимизни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш зарурлиги тўғрисида бир қатор иқтисодчиларнинг фикрлари мавжуд. Жумладан, О.А.Шерматов, А.А.Абдуллаев, Ф.А.Иномжоновалар хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибаларни ўрганишда ушбу давлатларни 2 гуруҳга бўлиб ўрганишни тавсия этишади. Яъни ривожланган давлатларнинг ва СНГ мамлакатларни алоҳида гуруҳларга бўлиб ўрганилади. (Аграр ислохотларни ташкил этиш ва ўтказишнинг хорижий тажрибалари ҳамда

уларни ахамияти). Сборник статей международной научно – практической конференции. АИЭИ. Андижон – 2007 г. 158-263 страницы).

Қишлоқ хўжалигида юз бераётган таркибий ўзгаришлар, аграр ислохотларнинг босқичлари, мулкдорлар қатламини ҳосил қилиш, хусусий тадбиркорликни ташкил этиш масалалари қатор иқтисодчиларнинг илмий ишларида ўз аксини топган (А.А.Абдуллаев, Х.Х.Камолов, О.А.Шерматов. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг муҳим таркибий ўзгаришлари. Халқаро илмий-амалий анжуманининг мақолалар тўплами. БИИТИ. Тошкент 2003 й. 338-339 бетлар)

Б.Т.Салимов, Б.Б.Беркинов ва бошқаларнинг билдирган фикр-мулоҳазаларига кўра «Самарали хўжалик юритиш рақобатли бозор муҳитида хўжаликнинг яшовчанлиги ва тараққиётини белгилаб берувчи энг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ресурслар чекланган характерга эга бўлиб, бу ҳолат улардан имкони борича унумли, самарали фойдаланишни талаб этади» (Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. Ўқув қўланма. Тошкент 2004 й. 134 бет).

2004 йил 26 августда қабул қилинган фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуннинг (янги таҳрири) 3-моддасида фермер хўжалигига куйидагича таъриф берилган. «Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкасидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир». (Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуни. Янги таҳрири. Т. Ўзбекистон. 2004 й. 3-бет).

О.Олимжонов ва бошқалар фермерлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига алоҳида тўхталишиб куйидаги фикрларни билдиришган «Фермер хўжаликлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари бўлиб 1998 йил апрел ойида қабул қилинган Ер кодекси, 2004 йил август ойида кучга кирган янги таҳрирдаги фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ва бошқа қонун ости ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари,

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида тасдиқланган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, шунингдек фермер хўжалигининг Устави ҳисобланади» (Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Тошкент. Университет. 2005 йил 18 бет).

А.А.Абдуллаев, О.А.Шерматовлар қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида ишлаб чиқаришни тўла механизациялаштириш ва электрлаштириш, мелиорация ва ирригацияни ривожлантириш, кимёлаштириш, дехқончилик маданиятини ошири ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш масалаларига эътиборни кучайтиришни асослайдилар. (Фермер хўжалигини жадал ривожлантириш қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлашнинг ҳал қилувчи омилдир. Республика илмий-амалий анжумани материллари. АМИИ. Андижон – 2009 й 170-175 бетлар).

М.Бакетт. Фермер хўжалигини ташкил этиш ва уни бошқариш масалаларини ҳар томонлама кенг таҳлил этиб, қишлоқ хўжалигида хусусий тадбиркорликнинг бу шаклини самарали эканлигини асослайди. (Фермер хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш. Дарслик. Тошкент. Мехнат. 1998 й)

4. Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигини табiiй-иқтисодий тавсифи.

Андижон вилоятининг Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалиги Андижон туманининг жанубий-шарқда жойлашган бўлиб, Гулистон массивига қарашлидир. У туман ҳокимининг 9 январ 2006 йилда 11-К-сонли қарори билан ҳуқуқий шахс сифатида ташкил этилган.

У дастлаб 2006 йилда 49,3 гектар ерга узок муддатли ижара ҳуқуқи асосида эгалик қилган бўлиб, 2008 йил охирида Президентимизнинг 6.10.2008 йилдаги «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Ф-377 сонли Фармойиши асосида фермер хўжаликлари ер участкаларини мақбуллаштириш бўйича ўтказилган тадбирлар натижасида унга ижара асосида бириктирилган умумий ер майдони 71,5 гектарга етказилди. Натижада фермер хўжалигини умумий ер майдони 22,2 гектарга ёки 45,0 фоизга кўпайди.

Фермер хўжалиги Қўрғонтепа-Андижон магистрал йўлидан 5 километр узокликда жойлашган бўлиб, у шарқ томондан Қўрғонтепа-Андижон магистрал йўли, жанубдан Олтин нур, ғарбдан Илёс орзу замини ва шимолдан Икболжон Иномиддин фермер хўжаликлари билан чегарадош. У туман марказидан 20 километр, вилоят марказидан 12 километр узокликда жойлашган бўлиб, уни чегарасидан темир йўл бекатига қадар бўлган масофа 3 километрни, асосий магистрал йўлга қадар бўлган масофа эса 5 километрни ташкил этади. Фермер хўжалигидан туман дон маҳсулотларини қабул қилиш корхонасига қадар бўлган масофа 21 километрни, пахта тозалаш заводига қадар бўлган масофа эса 22 километрни ташкил этади.

Фермер хўжалиги жойлашган ҳудуднинг иқлим шароити кескин континентал бўлиб, ёзи иссиқ, қиши эса совуқ ҳисобланади. Ёзда ҳавонинг ҳарорати 38-42 даражага қадар кўтарилади, қиш ойларида эса ҳавонинг

совуқлиги 10-12 даражагача, айрим йилларда 15-17 даражагача пасайиб боради. Ўртача ёғин миқдори бир йилда 154-202 миллиметрга етади. Фермер хўжалигининг ҳудудида йил давомида 3220 соат қуёшли кунлар бўлишига тўғри келади. Йилнинг иссиқ кунлари 6 ойни ташкил этади. Йиллик ўртача ҳаво ҳарорати +17-19 даражага тенг бўлиб, ўрта толали пахта ва ғалла экин навларидан юқори ҳосил олиш имкониятини беради. Фермер хўжалигида иқлим шароитига мос ҳолда суғориб деҳқончилик қилинади. 2009 йилда самарали ҳарорат пахта етиштириш учун меъёрий ҳолатда бўлди. Хўжаликда вегетация даврининг давомийлиги 155 кунни ташкил этади.

Фермер хўжалигида етиштирилаётган пахта ва ғалланинг ҳосилдорлигига, уларнинг сифати ва таннархига юқоридаги табиий-иқлим шароитлари ва сув билан таъминланиши ўзининг таъсирини кўрсатиб тура олади. Шунинг учун ҳам хўжаликда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини белгилаб олишда уларнинг таъсирини ҳисобга олиш талаб этилади. Умуман олганда ҳар қандай хўжаликнинг ва ҳудуднинг ихтисослашуви охир оқибатда уларнинг табиий-иқлим шароитлари асосида шаклланади.

Фермер хўжалиги адирликка яқин ҳудудда жойлашган бўлиб, йил давомида сув билан таъминланиш талаб даражасида. Хўжаликда сувга бўлган талаб экинлар вегетация даврида сезилиши мумкин.

Фермер хўжалигига 49 йиллик муддатга ижарага берилган ер участкасининг мелиоратив ҳолати яхши бўлиб, ер ости сувлари 6-7 метрда жойлашган. Тупроғи оч тусли бўз тупроқ бўлиб ҳисобланади, нисбатан олганда фермер хўжалигининг ерлари унумдордир. Ерлари шўрланмаган, ундаги гумус миқдори талаб даражасида.

Хулоса қилиб айтилганда Омадли лочин фермер хўжалигини ерлари ўрта толали пахта хом-ашёсини ва бошоқли дон экинларини етиштириш учун қулай бўлиб ҳисобланади. Фермер хўжалиги жойлашган ҳудуднинг ерларида самарали технологияларни қўллаш асосида пахта ва буғдой ҳосилдорлигини мос ҳолда камида 40-45 ва 70-80 центнерга кўтариш имкониятлари мавжуд.

Фермер хўжалигининг ер участкаси 30 йил муддатга ижарага олинган бўлиб, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ижара шартномаси билан тасдиқланган. Шартномада жумладан, фермер хўжалиги томонидан ернинг сифатини ва унумдорлигини белгиловчи балл банитети даражасини пастлатмаслик аксинча уни иложи борица мунтазам ошириб бориш шартлари белгиланган.

Омадли лочин фермер хўжалигининг раҳбари ва жамоаси ўзига бириктирилган ер участкасидан самарали фойдаланиш асосида пахта ва ғалла ҳосилдорлигини мунтазам ошириб боришга эришмоқдалар.

1- жадвалда Омадли лочин фермер хўжалигига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкасининг тупроқ бонитет баллари ҳамда уни таркиби тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Фермер хўжалигининг экин майдони 54,5 гектарни ташкил этиб, у 3 та суғориш карталаридан иборат. Биринчи суғориш картасини ҳажми 20,2 гектар, иккинчи суғориш картасини ҳажми 16,3 гектар, учинчи суғориш картасини ҳажми 18 гектарни ташкил этади. Суғориш картасини ҳажми амалдаги меъёрлар бўйича камида 3 гектарни ташкил этиши лозим, акс ҳолда қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш самарадорлиги кескин пасайиб кетади. Чунки, суғориш картасини ҳажми 3 гектарга тенг бўлганда уни бир томонга ишлов бериш узунлиги минг мертга тенг бўлади. Фермер хўжалигини ер участкаси амаладаги меъёрлар даражасидан 6 мартага юқори бўлиб, бу унга қишлоқ хўжалик техникалари ва агрегатларидан юқори самарадорлик билан фойдаланиш шароитини яратади. Демак, ерни бонитет бали 58 балл, бу ердан қанча ўртача ҳосил олиниши, тупроқни унумдорлик даражаси, сифат кўрсат кичларини ўзида акс эттирган кўрсаткичдир. Фермер хўжаликларида сувдан фойдаланиш масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сувдан оқилона фойдаланиш, суғоришнинг янги технологияларини қўллаш бир томондан тупроқ унумдорлигини сақлаш, сув эрозиясини, ер ости сувларини кўтарилиб кетишини олдини олиш, солинган минерал ўғитларнинг ювилиб кетишини олдини олади. Иккинчи томондан суғориш

**Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигига ижарага берилган ер участкасини тупроқ
бонитет баллари тўғрисида маълумот.**

1- жадвал.

№	Ер участкалари		Бонитет	Ер майдони. Га	Ўртача бонитет бали	Суғориш карталари сони	Ўртача бир картани ҳажми. га	Суғориш карталарни тавсифи
	Кадастр гурuhlари	Синфлари						
1	1- кадастр гурuhlи	1- синф 2- синф	0 дан 10 гача 11дан 20 гача					1- суғориш картаси 20,2 га, 2- суғориш картаси 16,3 га, 3- суғориш картаси 18,0 га. Жами: 54,5 га. Тупроқ оч тусли бўз тупроқ бўлиб, ер ости сувлари 6-7 метр чуқурликда жойлашган, унумдорлиги ўрта, сув билан таъминланиш даражаси яхши.
2	2- кадастр гурuhlи	3- синф 4-синф	21 дан 30 гача 31дан 40 гача					
3	3- кадастр гурuhlи	5- синф 6- синф	41 дан 50 гача 51 дан 60 гача	54,5	58	3	18,6	
4	4- кадастр гурuhlи	7- синф 8- синф	61 дан 70 гача 71 дан 80 гача					
5	5-кадастр гурuhlи	9- синф 10- синф	81 дан 90 гача 91 дан 100гача					

килинадиган сарф-ҳаражатларни камайтириш, сарфланаётган ҳар бир бирлик сув ҳисобига олинадиган якуний маҳсулот ҳажмини кўпайтириш имконини беради. Омадли лочин фермер хўжалигининг сув билан таъминланганлик даражаси яхши эканлиги, хўжаликда юқорида санаб ўтилган сувдан оқилона фойдаланишнинг барча хусусиятларидан фойдаланиш имкониятини беради. Фермер хўжаликлари учун сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлари, яъни туман сув хўжалиги бўлими, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ёки бошқа ташкилотлар томонидан белгиланади.

2-жадвалда Омадли лочин фермер хўжалигининг экин майдони ва уни таркиби берилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турубдики, фермер хўжалиги деҳқончиликка ихтисослаштирилган бўлиб, хўжалик ерларига асосан пахта ва дон экинлари экилади. Фермер хўжалигига ижара асосида бириктирилган экин майдонларининг охирги уч йил давомидаги таркиби ва ходимлар сонидан кескин ўзгаришлар юз берган бўлиб, у экин майдонини 22,2 гектарга кўпайганлиги билан асосланади. Охирги уч йил фермер хўжалигининг экин майдони 32,7 гектардан 54,5 гектарга ёки 166,7 фоизга кўпайган. Жумладан пахта экин майдонлари 2 мартага кўпайгани ҳолда буғдой экин майдонида деярли ўзгариш содир этмаган. Шу муддатда хўжаликда ишлаётган ходимлар сони 35 нафардан 40 нафарга ёки 14,3 фоизга кўпайган. Фермер хўжалигида банд бўлган 40 нафар ходимнинг 28 нафари пахтачиликда ва қолган 12 нафари дончиликда фаолият кўрсатмоқда. Жами экин майдонидан пахта майдонлари 20,8 гектардан 42,5 гектарга кенгайтирилган ва бу 2009 йилда 2007 йилга нисбатан 204,3 фоизга ошган, бу 2009 йилга келиб пахта майдонлари жами экин майжонини 73 фоизини эгаллаганини кўрсатади. Пахтачилик бўйича ҳосилдорлик таҳлил этилаётган йилларда 32,9 центнердан 39,8 центнерга ёки 21 фоизга кўтарилган. Ялпи ҳосил эса 2009- йилда 2007- йилга нисбатан 247,8 фоизга ошиб, бу кўрсаткич рақамларда 684,3 центнердан 1691,5 центнерга етганини кўрсатади. Кўрсатилган йилларда буғдой дони ҳосилдорлиги 43,4 центнердан 49 центнерга ёки 12,9 фоизга кўтарилган, шунинг натижасида ялпи ҳосил мос

**Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигини экин
майдони ва унинг таркиби.**

2- жадвал.

№	Кўрсаткичлар	Ўл- чов бир- лиги	Йиллар						2009- йилда 2007- йилга нисбатан %
			2007		2008		2009		
			Мик дори	%	Мик- дори	%	Мик дори	%	
1	Жами экин майдони	га	32,7	100	32,7	100	54,5	100	166,7
1.1	Шундан: пахта	га	20,8	63,6	20,8	63,6	42,5	73	204,3
	Ҳосилдорлик	ц\га	32,9	100	35,6	100	39,8	100	121,0
	Ялпи ҳосил	ц	684,3	100	740,4	100	1691 ,5	100	247,8
1.2	Дон	га	11,9	36,4	11,9	36,4	12,0	27	100,8
	Ҳосилдорлик	ц\га	43,4	100	46,9	100	49,0	100	112,9
	Ялпи ҳосил	ц	516,4	100	558,1	100	588, 0	100	113,8
2	Ҳодимлар сони	нафар	35	100	35	100	40	100	114,3
2.1	Шундан: Пахтачиликда	нафар	24	68,6	24	68,6	28	70	116,7
2.2	Дончиликда	нафар	11	31,4	11	31,4	12	30	109,1
3	Ерни бонитет Бали	балл	58	100	58	100	58	100	100

ҳолда 516,4 центнердан 588 центнерга етган. Кўрсатилган йилларда буғдой дони ҳосилдорлиги 43,4 центнердан 49 центнерга ёки 12,9 фоизга кўтарилган, шунинг натижасида ялпи ҳосил мос ҳолда 516,4 центнердан 588 центнерга етган. Ғалла майдонлари 2009 йилга келиб жами экин майдонини 23 фоизини эгаллаган. Ерни бонитет бали ўртача 58 балл этиб баҳоланган бўлиб, охириги йилларда тупроқ таркиби ўзгаришларга учрамаган. Омадли лочин фермер хўжалигида пахта ва дон экинларининг ҳам бир қатор фойдаланилмаган имкониятлари мавжуд бўлиб, бу фермер хўжалигини истикболдаги ривожланишини юқори эканлигини асослайди

3-жадвалда Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигини аъзолари ва уларнинг таркиби тўғрисида маълумотларида акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики фермер хўжалигида жами 40 нафар ходимлар фаолият курсатмокда. Улардан 3 нафари олий маълумотли, 10 нафари ўрта махсус маълумотли ва қолган 27 нафари умумий ўрта маълумотли ходимлардан иборатдир. Нисбатан олиб қаралганда фермер хўжалиги жамоасининг таркиби талаб даражасида бўлиб унда олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларнинг ҳиссаси 32,5 фоизни ташкил этади. Лекин, бу соҳада фермер хўжалиги олдида бир қатор муаммолар мавжуд. Аввало, фермер хўжалиги ходимларининг касбий тайёргарлигини ва амалий кўникмасини ҳозирги кун талаби даражасига кўтариш чора-тадбирларини кўриш керак. Ундан ташқари ходимларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва технологик соҳалар бўйича назарий билимларини ва амалий кўникмаларини ҳам мунтазам ошириб бориш лозим. Бу фермер хўжалигига янги технологияларни жорий этиш асосида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш имкониятини беради. Фермер хўжалиги маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш бўйича ўзининг истикболдаги дастурини тузиб барча ишларни уни асосида ташкил этиши мақсадга мувофиқ булади. Дастурда фермер хўжалигини иқтисодий мустакиллигини таъминлаш асосида уни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши зарур.

**Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигини
аъзолари ва уларнинг таркиби тўғрисида маълумот.**

3- жадвал.

№	Аъзоларининг исми ва шарифи	Туғилган йили	Маълумоти	Касби	Иш стажи	Шу жумладан қишлоқ хўжалигида	Фермер хўжалиги раҳбарига қариндош- уруғчилик алоқаси	Қўшим ча эгалла- ган касби
Аъзолари:								
1	Абдуҳақимов А.	1957	Олий	ф\х раҳ	32	24	ўзи	Иқ-чи
2	Абдуҳақимов О.	1981	Олий	иқт-чи	10	6	ўғли	Хай-чи
3	Абдуҳақимов Х	1986	ўр. мах	Инж-ер	6	4	жияни	Уста
4	Абдуҳақимова	1982	ўр. мах	Пед-гог	8	3	келини	Чевар
5	Абдуҳақимова	1964	ўр. мах	Пед-гог	22	7	сингил	Чевар
6	Латипов Ш.	1987	ўр. мах	Ишчи	4	4	жияни	Уста
7	Ахмедов Д.	1972	Олий	Ҳисо-чи	19	11	куёв	Тад-ор
8	Кодиров А.	1978	Туг. ол	Агр-ом	10	10	укаси	Уста
Шартнома асосида ишлаётганлар:								
1	Жабборова З.	1980	ўр. мах	Ишчи	13	8	-	Ошпаз
2	Эргашев О.	1992	ўрта	Ишчи	3	3	-	-
3	Омонбоев Ф.	1988	ўр. мах	тра-чи	6	4	-	Сва-ик
4	Ахмедов А.	1980	ўр. мах	Тра-чи	11	11	-	Ду-гор
5	Тожибоев Р.	1983	ўр. мах	Сувчи	9	9	-	-
6	Қамчиева Ш.	1971	ўрта	Ишчи	19	9	-	Чевар
7	Юносова С.	1983	ўрта	Ишчи	8	5	-	Ошпаз
8	Раҳмонов У.	1988	ўр. мах	Инж-ер	3	3	-	-
9	Тўланов К.	1975	ўр. мах	Сувчи	15	12	-	Тад-ор
10	Олимова Б.	1990	ўрта	Ишчи	4	4	-	-

11	Султонов Т.	1975	ўрта	Сувчи	15	10	-	Уста
12	Султонов И.	1984	ўрта	Сувчи	10	10	-	Чевар
13	Рахимов Э.	1968	ўрта	Ишчи	23	12	-	Тад-ор
14	Давронов Л.	1970	ўрта	Ишчи	28	14	-	Уста
15	Давронова К.	1973	ўрта	Ишчи	24	16	-	Уста
16	Фармонов З.	1987	ўрта	Ишчи	6	5	-	Уста
17	Зияев Й.	1978	ўрта	Ишчи	20	13	-	Уста
18	Шодиев О.	1980	ўрта	Ишчи	11	7	-	Ду-гор
19	Ботирова Н.	1972	ўрта	Ишчи	22	15	-	Чевар
20	Каримова Д.	1984	ўрта	Ишчи	8	5	-	Ду-гор
21	Юлдашев С.	1969	ўрта	Ишчи	27	14	-	Уста
22	Ўлмасова Х.	1979	ўрта	Ишчи	18	12	-	Тад-ор
23	Шамшиев М.	1971	ўрта	Ишчи	25	17	-	Сва-ик
24	Шамшиев О.	1992	ўрта	Ишчи	3	3	-	-
25	Иномов А.	1970	ўрта	Ишчи	23	18	-	Уста
26	Иномова Г.	1974	ўрта	Ишчи	18	13	-	Тад-ор
27	Тохиров Ж.	1985	ўрта	Ишчи	9	5	-	Уста
28	Янгибоев А.	1983	ўрта	Ишчи	10	7	-	Ду-гор
29	Яхшибоева Ш.	1988	ўрта	Ишчи	6	4	-	Чевар
30	Жўраева М.	1988	ўрта	Ишчи	5	5	-	Чевар
31	Мамаризаев	1981	ўрта	Ишчи	11	8	-	Уста
32	Салимова Ф.	1979	ўрта	Ишчи	13	9	-	-

5. Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигини эришилган иқтисодий самарадорлиги ва уни тахлили

Маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг иқтисодий самарадорлиги нисбатан ўта юқори бўлиб, у рақобатбардошлик жараёнида амалга оширилган харажатлар билан даромадларни таққослаш асосида аниқланадиган мураккаб ва кўп қиррали иқтисодий категория бўлиб ҳисобланади. Уни шаклланишига кўп омиллар таъсир кўрсатади. Маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг иқтисодий самарадорлиги мавжуд ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш асосида амалга оширилиб интезив омиллардан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда бир қатор натурал ва қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади. Улар ичида синтетик қиймат кўрсаткичлари алоҳида ўрин тутади. Улар таркибига рентабеллик даражасини ва фойдан нормасини киритиш мумкин. Қишлоқ хўжалигида асосан рентабеллик даражасидан фойдаланилади. У иқтисодий самарадорликнинг асосий яқунловчи кўрсаткичи бўлиб ундан фойдаланиш нисбатан олинганда қулайдир. Уни ёрдамида иқтисодий самарадорликни ошиши ёки кўтарилиши тўғрисида аниқ бир хулосага келиш мумкин. Биз ҳам фермер хўжалигида маҳсулот рақобатбардошлигини иқтисодий самарадорлигини аниқлашда рентабеллик даражасидан кенг фойдаланидик.

4–жадвалда Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигида эришилган иқтисодий самарадорлиги акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охирги уч йилда хўжаликнинг иқтисодий самарадорлиги кескин янгиланган. Буни биз самарадорликнинг яқунловчи асосий иқтисодий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан яққол кўришимиз мумкин. Рентабеллик даражаси шу даврда 23,3 фоиздан 26,8 фоиз ёки +3,3 даражага кўтарилган. Эришилган рентабеллик даражаси амалдаги меъёрлардан ҳали паст бўлиб уни камида 35 фоизга кўтариш керак.

**Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигини
иқтисодий самарадорлиги.**

4- жадвал.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2009 йилда 2007 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	32,7	32,7	54,5	166,4
	а) пахта	га	20,8	20,8	42,5	204,3
	б) буғдой	га	11,9	11,9	12,0	100,3
2	Ишлаб чиқариш ҳаражатлари.	м.с	27926,6	35549,7	80105,8	286,8
	Шундан: иш ҳақи	м.с	8657,3	11020,5	24832,8	286,8
3	Ҳодимлар сони	нафар	35	35	40	114,3
4	Ялпи маҳсулот	м.с	34500,7	44907,4	101601,0	294,5
5	Фойда	м.с	6574,1	3357,7	21494,8	327
6	Фермер даромади	м.с	36583,9	46570,2	104938,6	286,8
7	1 гектар ҳисобига:					
	а) ялпи маҳсулот	м.с	1055,1	1373,3	1864,2	176,7
	б) фермер даромади	м.с	1118,8	1424,2	1925,5	172,1
8	1 ҳодим ҳисобига:					
	а) ялпи маҳсулот	м.с	985,7	1283,1	2540,0	257,8
	б) иш ҳақи	м.с	247,4	314,9	620,8	250,9
9	Рентабеллик	%	23,5	26,3	26,8	+3,3

5–жадвалда Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари акс эттирилган. Жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики охириги уч йилда хўжаликда пахта етиштириш бўйича ҳам самарадорлик бир мунча кўтарилган бу рентабеллик даражасини 23,0 дан, 26,8 фоизга ёки +3,8 даражага ошганлиги билан ифодаланади.

Хўжаликда ер бирлиги ва ходимларга тўғри келадиган барча иқтисодий кўрсаткичлар охириги уч йилда бир мунча яхшилانган лекин рентабеллик даражаси оптимал даражадан анча пастдир, уни камида 30 фоизга кўтариш керак. Шундагина хўжалик кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг белгиланган суръатларда амлага ошириш учун етарлича молиявий имкониятларга эга бўлади.

6–жадвалда Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигида пахта етиштиришнинг ҳаражатлари ва уларнинг тақриби акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан турибдики хўжаликда охириги 3 йилда ишлаб чиқариш ҳаражатлардаги моддий ҳаражатларнинг усули кўтарилган. Бу эса пахта ҳосилдорликка бевосита таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир.

Бунинг сабаби, моддий ҳаражатлар ишлаб чиқаришдаги маҳсулот етиштириш технологияси билан бевосита боғлиқ бўлиб уни узликсизлигини ва самарадорлиги таъминлайди.

7–жадвалда Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигида давлатга сотилган жами пахта хом-ашёсини саноат навларини тақсимланиши акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги уч йилда фермер хўжалигини биринчи саноат навининг синфларига сотган пахта хом-ашёсини ҳажми 89,0 дан 91,0 фоизга яъни 3,0 даражага ортган. Бу хўжаликда қўшимча даромадлар олиб самарадорликни бир мунча яхшиланишига имконият яратмоқда.

Маълумотлардан кўриниб турибдики фермер хўжалигида биринчи саноат навига сотилган пахта хом-ашёсини ҳажми юқори бўлиб буни энди сифат жиҳатдан яхшиланига асосий эътиборни қаратиш лозим.

**Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигида пахта
ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги.**

5- жадвал.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2009 йилда 2007 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	20,8	20,8	42,5	204,3
2	Ҳосилдорлик	ц\га	32,9	35,6	39,8	120,9
3	Ялпи ҳосил	ц	684,3	740,5	1691,5	247,2
4	Ишлаб чиқариш ҳаражатлари Шундан: иш ҳақи	м.с м.с	21419,2 6640,0	26832,0 8318,0	69779,4 21631,6	325,8 325,8
5	Ҳодимлар сони	нафар	24	24	28	116,7
6	Ялпи маҳсулот	м.с	26346,1	33940,6	88482,3	335,8
7	Фойда	м.с	4927,1	7108,6	18702,9	379,6
8	Фермер даромади	м.с	11567,1	15426,6	40334,5	348,7
9	1 центнер пахтани таннархи	сўм	31300,0	36236,0	41253,0	131,8
10	1 центнер пахтани сотиш баҳоси	сўм	38500,0	45836,0	52310,0	135,8
11	1 гектар ҳисобига: а) ялпи маҳсулоти б) фермер даромади	м.с м.с	1266,6 556,1	1631,7 741,7	2081,9 949,0	164,3 170,6
12	1 ҳодим ҳисобига: а) ялпи маҳсулот б) иш ҳақи	м.с м.с	1097,8 276,7	1414,2 346,6	3160,0 772,6	287,8 279,2
13	Рентабеллик	%	23,0	26,5	26,8	+3,8

**Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигида пахта
етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби.**

6- жадвал.

№	Харажатлар тури	2007 йил.		2008 йил.		2009 йил.	
		м.с	%	м.с	%	м.с	%
1	Моддий харажатлар	1255,6	58,6	1599,9	59,6	40890,5	58,6
	а) уруғлик	4142,0	33,0	5277,3	33,0	13902,9	34,0
	б) ўғитлар	4267,6	34,0	5437,2	34,0	13902,9	34,0
	в) Ё.М.М	2510,3	20,0	3198,4	20,0	8178,1	20,0
	г) иш ва хизматлар	1129,6	9,0	1439,3	9,0	3680,1	9,0
	д) бошқа моддий харажатлар	502,1	4,0	639,7	4,0	1226,7	3,0
2	Меҳнат ҳақи харажатлари	6640,0	31,0	8318,0	31,0	21631,5	31,0
3	Ижтимоий ажратмалар	299,9	1,4	375,6	1,4	976,9	1,4
4	Асосий воситалар ва номоддий активлар эскириши	1499,3	7,0	1878,2	7,0	4884,5	7,0
5	Бошқа харажатлар	428,4	2,0	268,3	1,0	1395,6	2,0
Жами харажатлар		21419,2	100,0	26832,0	100,0	69779,0	100,0

**Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигини
сотилган жами пахтасини навлар бўйича тақсимланиши.**

7- жадвал

Саноат нави	Синфи	2007- йил.		2008- йил.		2009- йил	
		миқдори ц	%	миқдори ц	%	миқдори ц	%
I	1	287,4	42,0	296,2	40,0	761,2	45,0
	2	184,8	27,0	185,1	25,0	422,9	25,0
	3	136,8	20,0	162,9	22,0	355,2	21,0
	Жами	609,9	89,0	644,2	87,0	1539,3	91,0
II	1	47,9	7	59,2	8,0	101,5	6,0
	2	27,4	4	37,0	5,0	50,7	3,0
	3						
	Жами	75,3	11,0	96,2	13,0	152,2	9,0
III	1						
	2						
	3						
	Жами						
IV	1						
	2						
	3						
	Жами						
V	1						
	Жами						
Ҳаммаси		684,3	100,0	740,4	100,0	1691,5	100,0

8 – жадвалда Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигини Андижон тумани билан пахта етиштиришнинг солиштирма иқтисодий кўрсаткичлари акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики фермер хўжалигини иқтисодий самарадорлиги туманга нисбатан кескин юқоридир. Буни биз иқтисодий самарадорликнинг асосий кўрсаткичи бўлган рентабелликдан кўришимиз мумкин. Туманда рентабеллик бор-йўғи 7,7 фоизни ташкил этгани ҳолда, у фермер хўжалигида 26,8 фоизга тенгдир ёки +19,1 даражага юқоридир.

Омадли лочин фермер хўжалигида иқтисодий самарадорликни нисбатан юқорилиги кўп жиҳатдан уни маҳсулотини рақобатбардошлиги билан асосланади. Жумладан, уни давлат буюртмаси бўйича сотган пахта хом-ашёсини 91,0 фоизи биринчи саноат навига таълуқлидир. Демак, фермер хўжалигини тайёрлаган пахта хом-ашёсини сифати нисбатан олинганда юқоридир. Сифат категорияси эса рақобатбардошликни икки асосий омилининг биридир.

9– жадвалда Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигини буғдой ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики самарадорлиги хўжаликда буғдой етиштириш бўйича иқтисодий самарадорлик йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Жумладан, самарадорликнинг якунловчи асосий иқтисодий даражаси бўлган рентабеллик даражаси охириги уч йилда 25,3 дан 27,0 фоизга яъни +1,7 даражага кўтарилган. Бу жараён хўжаликда кейинги йилларда ҳам сақланиб қолиши лозим. Сабаби буғдой етиштириш бўйича эришилган рентабеллик ҳам оптимал даражада анча паст бўлиб, уни камида 50-55 фоизга кўпайтириш керак. Шундагина хўжалик иқтисодий жиҳатдан барқарор риовожланиши учун етарлича молиявий маблағларга эга бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтилганда фермер хўжалигида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш учун пахта таннархини пасайтирилиши ва уни сифатини яхшиланиши чораларини кўриш зарур.

**Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигини
Андижон тумани билан пахта етиштиришнинг солиштирма
иқтисодий кўрсаткичлари. (2009 йил.)**

8- жадвал.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Омадли лочин фермер хўжалиги	Андижон тумани	фарқи %
1	Экин майдони	га	42,5	5824,0	X
2	Ҳосилдорлик	ц\га	39,8	28,9	137,7
3	Ялпи ҳосил	ц	1691,5	168440,0	X
4	Ишлаб чиқариш ҳаражатлари.	м.с	69779,4	66590000,0	X
	Шундан: иш ҳақи	м.с	21631,6	38497000,0	X
5	1 центнер пахтани таннархи	сўм	41253,0	40600,0	101,6
6	1 центнер пахтани сотиш баҳоси	сўм	52310,0	43800,0	119,4
7	Ялпи маҳсулот	м.с	88482,3	67106000,0	X
8	Фойда	м.с	18702,9	546000,0	X
9	1 гектар ҳисобига:				
	а) ялпи маҳсулот	м.с	2081,9	1173,0	177,5
	б) фойда	м.с	440,1	89,0	1068,3
10	Рентабеллик	%	26,8	7,7	+19,1

**Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигида буғдой
ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги.**

9- жадвал.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2009 йилда 2007 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	11,9	11,9	12,0	100,8
2	Ҳосилдорлик	ц\га	43,4	46,9	49,0	112,9
3	Ялпи ҳосил	ц	516,5	558,1	588,0	113,8
4	Ишлаб чиқариш ҳаражатлари.	м.с	6507,4	8717,7	10326,4	158,7
	Шундан: иш ҳақи	м.с	2017,3	2702,5	3201,2	158,7
5	Ҳодимлар сони	нафар	11	11	12	109,1
6	Ялпи маҳсулот	м.с	8154,4	10966,8	13118,3	160,9
7	фойда	м.с	1647,0	2249,2	2791,8	169,5
8	Фермер даромади	м.с	3664,3	4951,7	5993,0	163,6
9	1 центнер буғдойни таннари	сўм	12600,0	15620,0	17562,0	172,4
10	1 центнер буғдойни сотиш баҳоси	сўм	15786,0	19650,0	22310,0	179,6
11	1 ходим ҳисобига:					
	а) ялпи маҳсулот	м.с	741,3	997,2	1093,2	147,5
	б) фермер даромади	м.с	333,1	450,2	499,4	149,5
12	Рентабеллик	%	25,3	25,8	27,0	+1,7

10–жадвалда Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигини Андижон тумани билан бугдой етиштиришнинг солиштирма иқтисодий кўрсаткичлари акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики фермер хўжалигини бугдой етиштириш бўйича иқтисодий самарадорлиги туманга нисбатан анча пастдир. Буни биз иқтисодий самарадорликнинг асосий кўрсаткичи бўлган рентабелликдан кўришимиз мумкин. Фермер хўжалигида рентабеллик 27,0 фоизни ташкил этгани ҳолда бу кўрсаткич туманда 35,7 фоизга тенгдир ёки фермер хўжалигида -8,7 даражага пастдир.

Омадли лочин фермер хўжалигида бугдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини кескин ошириш чораларини кўриш зарур.

Бу соҳада бир қатор чора-тадбирларни амалаг ошириш лозим. Улар жумласига интенсив омиллардан самарали фойдаланиш асосида тупрок унумдорлигини кескин яхшилаш йўли билан бугдой ҳосилдорлигини камида 70-80 центнерга кўтариш, ишлаб чиқариш ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш асосида маҳсулот таннархини камида 20 фоизга пасайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳисобига бир центнер бугдой донини ўртача сотиш баҳосини ошириш каби йўналишларни киритиш мумкин.

Хулоса қилиб айтилганда интенсив омиллардан самарали фойдаланиш асосида фермер хўжалигида маҳсулот рақобатбардошлигини кескин ошириш йўли билан иқтисодий самарадорликни оптимал даражага кўтариш чора-тадбирларини кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигини
Андижон тумани билан, бугдой етиштиришнинг солиштирма
иқтисодий кўрсаткичлари. (2009 йил.)**

10- жадвал.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Омадли лочин фермер хўжалиги	Андижон тумани	фарқи %
1	Экин майдони	га	12,0	4472,0	X
2	Ҳосилдорлик	ц\га	49,0	61,2	80,1
3	Ялпи ҳосил	ц	588,0	2736900,0	
4	Ишлаб чиқариш ҳаражатлари.	М.с	10326,4	5263000,0	X
	Шундан: иш ҳақи	м.с	3201,2	683500,0	X
5	1 центнер бугдойни таннархи	сўм	17562,0	19230,0	91,3
6	1 центнер бугдойни сотиш баҳоси	сўм	22310,0	26100,0	85,5
7	Ялпи маҳсулот	м.с	13118,3	7142000,0	X
8	Фойда	м.с	2791,8	1880000,0	X
9	1 гектар ҳисобига:				
	а) ялпи маҳсулот	м.с	1093,2	1597,0	68,5
	б) фойда	м.с	232,6	420,4	55,3
10	Рентабеллик	%	27,0	35,7	-8,7

6. Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш масалалари.

Фермер хўжалигида маҳсулот рақобатбардошлигини таркиб топиши ва оширилиши кўйидаги йўналишлар асосида амалга оширилиши мумкин. Фермер хўжалиги маҳсулоти рақобатбардошлигини оширилиши охир-оқибатда икки омилга боғлиқдир, яъни маҳсулотнинг таннархига ва сифатига.

Маҳсулот рақобатбардошлигини оширилиши фермер хўжалигида таркибий ўзгаришларни ўтказилишини тақозо этади. Бунда асосий эътиборни интенсив омиллардан фойдаланишга қаратиш лозим.

Таркибий ўзгаришлар асосида фермер хўжалигининг ихтисослашуви ва ички тузилиши ўзгариб у кўп тармоқли хўжаликка айланиши лозим.

Фермер хўжалиги маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш бўйича ўзининг Дастурини ишлаб чиқиб барча ишларни уни асосида ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фермер хўжалигининг дастури Президентимизнинг 28.12.2008 йилдаги ПФ-4058 сонли фармонининг биринчи банди билан қабул қилинган инқирозга қарши чоралар Дастурининг асосида тайёрланиши лозим. Мамлакатимизнинг инқирозга қарши чоралар Дастурида реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг тўрта асосий йўналиши белгиланган бўлиб, улар фермер хўжалигининг дастурида ўз аксини топиши лозим. Инқирозга қарши чоралар Дастурида корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг тўрт асосий йўналиши ўз мазмуни ва моҳиятига кўра тўлалигича маҳсулот рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. Сабаби маҳсулот рақобатбардошлигини оширилиши жаҳон инқирози шароитида иқтисодиётни барқарорлигини таъминлаш ва уни самарадорлигини оширишнинг хал қилувчи омилига айланди.

Фермер хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини кескин оширмасдан туриб уни барқарор ривожланишини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини оптимал

даражага кўтариш масалаларини ижобий ҳал этиш мумкин эмас. Президентимиз ушбу масалага тўхталиб қуйидагиларни таъкидлайди «...ўтган давр мобайнида ортирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда.» (И.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Т. Ўзбекистон – 2009 йил 23 бет.)

Юқорида айтилганидек маҳсулот рақобатбардошлиги даражаси маҳсулотни таннархи ва сифати асосида аниқланади.

Маҳсулот таннархи фермер хўжалиги самарадорлигини аниқлашда қўлланиладиган энг асосий иқтисодий категориялардан бири бўлиб, у ўзида фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражасини акс эттиради. Маҳсулот рақобатбардошлигини оширилиши фермер хўжалигида фойдани қўпайтириш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни молиявий жихатдан таъминлаш, моддий манфаатдорликни ошириш асосида иқтисодий самарадорликни кескин кўтариш имкониятини беради.

Рақобатбардошлик даражаси маҳсулотни таннархи ва сифати асосида аниқланади.

Маҳсулот таннархи фермер хўжалиги самарадорлигини аниқлашда қўлланиладиган энг асосий иқтисодий категориялардан бири бўлиб, у ўзида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражасини акс эттиради.

Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш соҳаларида 2009 йилда маҳсулот таннархи ўртача 20 фоизга пасайган. Лекин, Омадли лочин фермер хўжалигида ҳали бу талаблар амалга оширилганича йўқ. Унда аксинча пахта ва ғалла маҳсулотларининг таннархи мунтазам кўтарилиб бормоқда. Ушбу масала бу соҳада тузиладиган фермер хўжалигининг дастурида ўзининг ижобий ечимини топиши зарур.

Маҳсулот сифати эса уни турига қараб ташқи кўриниши, қулайлиги, ихчамлиги, фойдалиниш муддати, нави, софлиги, тозалиги каби бир қатор хусусиятилари билан белгиланади.

Сифат унда мужассамланган хоссалар мужмуаси бўлиб аниқ бир эҳтиёжни қондиришга яроқлилигини билдиради. Сифат атамаси иқтисодий жиҳатдан маҳсулот ва хизматларни хосса ва таснифлари тўплами бўлиб маълум бир эҳтиёжларни қондириш қобилиятини билдиради.

Биз Омадли лочин фермер хўжалигида пахта ва буғдой самарадорлигини таҳлил этиш асосида улар рақобатбардошлигини ошириш бўйича қуйидаги фикр-мулоҳазаларга келдик:

Омадли лочин фермер хўжалигини Андижон тумани билан пахта етиштиришнинг солиштирма иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш асосида қуйидаги фикр-мулоҳазаларни айтиш мумкин.

Фермер хўжалигини иқтисодий самарадорлиги туманга нисбатан анча юқори, лекин у хали талаб даражасида кескин пастдир. Иқтисодий самарадорликнинг эришилган даражаси хали миқдор жиҳатдан ҳам сифат жиҳатдан ҳам бу соҳада жаҳон инқироzi шароитида қуйилаётган талабларга тўла жавоб бермайди.

Маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш бўйича инқрозга қарши чоралар дастурида корхоналар олдига қўйилаётган талаблар жуда юқори бўлиб уни амалиётга тадбиқ этилиши бу соҳада таркибий ўзгаришларни амлага оширилишини ва интенсив омиллардан фойдаланиш самарадорлигини кескин яхшилашни тақозо этади.

Бу соҳада фермер хўжалиги давлат буюртмаси бўйича сотаётган пахта хом-ашёсини сифат жиҳатдан янада яхшилаш чораларини кўриши лозим. У 2009 йилда пахта хом-ашёсини 91,0 фоизини биринчи саноат навига сотган. Лекин, биринчи навга сотилган пахта хом-ашёсини 45 фоизигина биринчи синфга таълуқли бўлиб қолган 36 фоизи иккинчи-учинчи синфларга сотилган. Эндиги масала уни сотилаётган пахта хом-ашёсини синфини яхшилаш чораларини кўришдир. Шунда рақобатбардошликнинг икки асосий

омилидан бири, яъни уни сифати бўйича янада юқорироқ кўрсаткичга эришиш мумкин.

Омадли лочин фермер хўжалигини бугдой етиштириш бўйича иқтисодий самарадорлиги эса туманга нисбатан ҳам анча пастдир. Бу соҳада фермер хўжалиги олдида бугдой таннархини пасайтириш ва сифатини яхшилаш бўйича бир қатор вазифалар турибди. Улар фермер хўжалигини бу соҳадаги тузиладиган истиқобли дастурида ўз аксини топиши керак.

Улар жумласига интенсив омиллардан самарали фойдаланиш асосида тупроқ унумдорлигини кескин яхшилаш йўли билан бугдой ҳосилдорлигини камида 70-80 центнерга кўтариш, ишлаб чиқариш ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш асосида маҳсулот таннархини камида 20 фоизга пасайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳисобига бир центнер бугдой донини ўртача сотиш баҳосини ошириш каби йўналишларни киритиш мумкин.

Хулоса қилиб айтилганда интенсив омиллардан самарали фойдаланиш асосида фермер хўжалигида маҳсулот рақобатбардошлигини кескин ошириш йўли билан иқтисодий самарадорликни оптимал даражага кўтариш чоратадбирларини кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигини маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича тўпланган маълумотларни таҳлил этиш асосида қуйидаги фикр-мулоҳазаларга ва хулосаларга келдик.

1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида фермер хўжалиги ўз маҳсулоти рақобатбардошлигини ошириш масалаларини тизимли ҳал қилинишига эришиш учун ўзининг истиқболли дастурини ишлаб чиқиб барча тадбирларни унга мос ҳолда амалга ошириш зарур. Дастурда асосий эътиборни рақобат бардошлиликнинг асосий омиллари бўлган маҳсулот таннархини ва сифатини яхшиланишига қаратирш лозим.

2. Омадли лочин фермер хўжалигида ўзи ишлаб чиқараётган пахта ва буғдой дони маҳсулотларнинг таннархини камида 20 фоизга пасайтириш мақсадида мавжуд ресурслардан тежаб-тергаб оқилона фойдаланишни йўлга қўйиши керак. Омадли лочин фермер хўжалигида пахта ва ғалла маҳсулотларининг таннархини пасайтириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиб уларни босқичма-босқич амалга ошириш зарур.

3. Омадли лочин фермер хўжалигида маҳсулот рақобатбардошлигини оширилиши унда бир қатор таркибий ўзгаришларни ўтказилишини тақозо этади. Бунда асосий эътиборни интенсив омиллардан фойдаланишга қаратиш лозим. Таркибий ўзгаришлар асосида фермер хўжалиги кўп тармоқли хўжаликка айланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Омадли лочин фермер хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини кескин ошириш асосида уни барқарор ривожланишини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтариш масалаларини ижобий ҳал этиш лозим.

5. Омадли лочин фермер хўжалигини давлат буюртмаси бўйича сотаётган пахта хом-ашёсини сифат жиҳатдан янада яхшилаш чораларини кўриши

лозим. Бу соҳада пахта хом-ашёсини сифатини янада яхшилаш чораларини кўриш зарур.

6. Омадли лочин фермер хўжалиги олдида буғдой таннархини пасайтириш ва сифатини яхшилаш бўйича бир қатор вазифалар турибди. Улар фермер хўжалигини бу соҳадаги тузиладиган истиқоблли дастурида ўз аксини топиши керак. Улар жумласига интенсив омиллардан самарали фойдаланиш асосида тупроқ унумдорлигини кескин яхшилаш йўли билан буғдой ҳосилдорлигини камида 70-80 центнерга кўтариш, ишлаб чиқариш ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш асосида маҳсулот таннархини камида 20 фоизга пасайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳисобига бир центнер буғдой донини ўртача сотиш баҳосини ошириш каби йўналишларни киритиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон-1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. Т. 1999 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуни. (2004 йил 26 августдаги янги наشري) Т. 2004 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг давлат Ер кадастри тўғрисидаги қонуни. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. Тошкент.1999 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ– 3226 сонли Фармони “Қишлоқда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”. Халқ сўзи 2003 йил 25 март.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида» ги фармони. Халқ сузи 2003 йил 28 октябр.
7. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясининг амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 476 сонли қарори. Халқ сўзи 2003 йил 31 октябр
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Бозор ислохот ларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишларни амалга оширилишини жадаллаштириш чор-тадбирлари тўғрисида»ги фармони. Халқ сўзи 2005 йил 15 июн.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 14 июндаги йилдаги ПФ 3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш 3фармони. Халқ сўзи 2005 15 июн.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги «2006 йилда қишлоқ хўжалик корхона (ширкат) ларни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПК-215 сонли қарори Халқ сўзи 2005 йил 9 ноябр.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 декабрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» ги ФП-4058 сонли Фармойиши. Халқ сўзи 2008 йил 29 декабр
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 майдаги ПК-867-сонли қарори. Халқ сўзи, 2008 йил 16 май
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-3782 сонли Фармойиши. Халқ сўзи 2009 йил 23 ноябр
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодий ислохот ларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби». Халқ сўзи 13.02.2009 йил.
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислохот ларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир». Халқ сўзи 30.01.2010 й.

- 16.И.А.Каримов. «Дехқончилик тараққиёти фаровонлик манбаи». Тошкент. Ўзбекистон 1991 йил.
17. . И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарққиёт йўли» Т.Ўзбекистон 1992 йил
- 18.И.А.Каримов. «Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Тошкент. Ўзбекистон. 1993 йил 269 б.
- 19.И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарққиёт йўли» Т.Ўзбекистон 1992 йил\
- 20.И.А.Каримов «Иқтисодий ислоҳат маъсулиятли босқич» Т.Ўзбекистон 2003 йил
- 21.И.А.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент 1995 йил.
- 22.И.А.Каримов. «Ўз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамыз»Т.Ўзбекистон 1996 йил
- 23.И.А.Каримов «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод сиёсат-мафкура» Т.Ўзбекистон 1996 йил
- 24.И.А.Каримов. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Тошкент. Ўзбекистон.Тошкент - 2000
- 25.И.А.Каримов. «Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида». Т.Ўзбекистон-2005 йил
- 26.И.А.Каримов. «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар» Т.Ўзбекистон 1996 йил
- 27.И.А.Каримов «Ўзбекистон ХХІ интилмоқда» Т.Ўзбекистон 1999 йил
- 28.Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» Тошкент «Ўзбекистон» 2009 йил.
- 29.Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом. Тошкент. 2005 йил.

30. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан рўйхатдан ўтказилган.
31. Олимжонов О., Фармонов Т ва бошқалар. «Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари». Т., Университет 2005 йил.
32. А.Абдуллаев ва бошқалар. «Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари». Республика илмий-амалий анжуманининг мақолалар тўплами. АҚХИ. Андижон 2007 йил
33. О.Зокиров ва бошқалар. «Қишлоқ хўжалигини бақарор ривожлантиришнинг муҳим таркибий ўзгаришлари». Халқаро илмий-амалий анжуманининг мақолалар тўплами. БИИТИ. Тошкент 2003 йил
34. А.Абдуллаев, О.Шерматов, Г.Шодмонов». «Қишлоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари». Республика илмий-амалий анжуманининг мақолалар тўплами. АҚХИ. Андижон 2006 йил
35. А.Абдуллаев ва бошқалар. «Фермер хўжаликларини ташлил этиш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш масалалари». Республика илмий-амалий анжуманининг мақолалар тўплами. АҚХИ. Андижон 2006 йил.
36. О.Шерматов ва бошқалар. «Иқтисодий эркинлаштириш шароитда пахтачиликни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари». и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Тошкент 2006 йил
37. А.Абдуллаев ва бошқалар. «Фермер хўжалигини жадал ривожлантириш қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлашнинг ҳал қилувчи омилidir». Республика илмий-амалий анжумани материаллари. АМИИ. Андижон 2009 йил
38. Р.С.Азимов. «Республикада иқтисодиётни эркинлаштиришнинг давлат томонидан тартибга солиш механизми: муаммолар ва уларни

- хал этиш йўллари». Аграр ислохатларни янада чуқурлаштириш муаммолари. Т, 2002 йил
39. Зокиров О. ва бошқалар. «Агроиктисодиёт» Андижон, 1996 йил
40. Хамдамов К.С. «Бозор иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалиги», Тошкент. Меҳнат. 1993 йил
41. «Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишдаги агротехнологик муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари». АҚХИ нинг илмий тўплам. Андижон – 2006 йил.
42. «Аграр соҳада ислохатларни чуқурлаштириш ва фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари». АҚХИнинг илмий анжуман мақолалар тўплами». Андижон – 2007 йил.
43. «Фарғона водийси тупроқ-иқлим шароитида қишлоқ хўжалигида Янги ва хорижий техника-технологиялардан самарали фойдаланиш». АҚХИнинг илмий тўплами. Андижон 2009 й.
44. Файзиев А. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришти ташкил этиш». Самарқанд. 2004 йил.
45. Хошимов З.Ю. «Фермер хўжаликларининг муаммолари ва ривожлантириш истиқболлари. Т. 2004 йил.
46. Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги боқармаси ҳамда фермер хўжаликлари уюшмасини 2007-2009 йиллардаги йиллик ҳисоботлари ҳамда бошқа маълумотлари.
47. Андижон туманидаги Омадли лочин фермер хўжалигининг 2007-2009 йиллардаги бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари, шартномалари ҳамда шу каби бошқа маълумотлари.